

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

« ИҚТИСОДИЁТ » кафедраси

«ХИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»

«Иқтисодиёт» кафедраси мудири
_____ и.ф.д. Х.С. Мухитдинов
«__» _____ 20__ йил

« ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Иқтисодиёт» факультети
декани _____ и.ф.д. А.Ф.Хуррамов

5340100-“Иқтисодиёт” йўналиши кундузги бўлим IV курс, И –43 гуруҳ талабаси
Рузикулов Жавлон “Қишлоқ хўжалигида рақобатбардошликни оширишнинг
самарадорлиги” (Қашқадарё вилояти мисолида) мавзусида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Иқтисодиёт» (қишлоқ хўжалиги)
таълим йўналиши битирувчи IV -курс
талабаси Рузикулов Ж.

ИЛМИЙ РАҲБАР:
К. Жуманазаров
Менежмент кафедраси доценти

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки химоядан ўтди
_____ сонли баённома «_____» _____ 2012 й.

ҚАРШИ – 2012 йил

КИРИШ

1 -БОБ. РАҚОБАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА ШАКЛЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

1.1. Рақобатнинг иқтисодий мазмуни ва намоён бўлиш шакллари

1.2. Рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман товар хўжалигининг энг муҳим белгиси хисобида.

1.3. Ўтиш даври иқтисодиётида рақобатни шакллантириш тамойиллари

2-БОБ. РАҚОБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ (Қашқадарё вилояти мисолида)

2.1. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш рақобатни шакллантиришнинг асосий шарти

2.2. Рақобатни шакллантиришда иқтисодиётни эркинлаштириш ва таркибий қайта қуришнинг аҳамияти

2.3. Иқтисодиётни эркинлаштириш саноатни ривожлантиришнинг тамойиллари

3-БОБ. РАҚОБАТ ВА МОНОПОЛИЯЛАР НИСБАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ

3.1. Рақобат ва монополиялар нисбатини тартибга солишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари

3.2. Рақобат ва монополиялар нисбатини тартибга солишда давлатнинг ролини ошириш

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, Президентимиз томонидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳар томонлама асосланган йўли ишлаб чиқилди ва унга асосланган ҳолда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Мазкур иқтисодий ислоҳотлар орқали қўлга киритилиши лозим бўлган натижалардан бири - рағбатлантирувчи рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришдан иборатлиги кўрсатиб берилди. Чунки, «мулкчилик шакллари турлича бўлган корхоналар ўртасидаги рақобатчилик кураши уларни ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ички ташкилий тизимларини такомиллаштиришга, техника билан қайта қуроллантиришга, фан ва техника соҳасидаги янги ютуқларни қўллашга мойил бўлишга, кам сарф-харажат қилган ҳолда янада юқори сифатли ва энг арзон нархда маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди. Пировард натижада бу иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади».¹

Рақобат - бу мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён. Фақат унинг иқтисодий моҳиятини ва амал қилишининг объектив асосларини чуқур англаб етиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатни ривожлантириш шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни таъминлаш йўллари ўрганиш мазкур механизмдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, унинг ижобий таъсирлари самарасини ошириш имконини беради. Айниқса, утиш даври иқтисодиётида рақобат курашининг намоён бўлиш шакллари ва усуллари ўзига хос хусусият касб этиб, улардан тўғри фойдаланиш иқтисодиётда амалга оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда эркинлаштириш жарёнларга аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Ўз навбатида, рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар мазмунини бойитиб, фақат ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан самарали бўлган хўжалик юритиш фаолияти, тармоқ ва соҳаларнинг кенг ва ҳар томонлама ривожланиши учун замин яратади. Ишлаб чиқариш ва истеъмолдаги турли якка ҳукмронлик ҳолатларига барҳам беради, хўжалик маблағлари ва бошқа ресурсларнинг самарали тақсимланиши ва ҳаракатчанлигига туртки беради.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатлар ўтиш даврида рақобат муҳитини шакллантириш жараёни нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Шунга кўра, бу жараённинг ўзига хос хусусиятлари ва амал қилиш механизмини такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ этишга қаратилган, битирув малакавий ишининг мавзуси долзарб ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Рақобатнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти, амал қилиш механизмнинг баъзи бир масалалари дастлаб классик иқтисодчилар А.Смит, А.Маршалл, К.Маркс, Э.Бернштейн, Й.Шумпетер, Ж.Кейнс, Ф.Хайек ва бошқаларнинг илмий асарларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш даврида рақобат муҳитини шакллантиришнинг долзарб муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари Президент И.А.Каримовнинг қатор асарларида баён этилган. Шунингдек, рақобат механизмнинг амал қилиш хусусиятлари ва уни янада такомиллаштириш муаммолари кўплаб иқтисодчи олим ва мутахассислар, жумладан, Абдуллаев Ё., Баҳромов А.У., Жумақулов Т.Т., Жўраев Т.Т., Исломов А. ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шунга қарамай, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги шароитида рақобат механизмнинг амал қилиш хусусиятлари, унинг намоён бўлиш шакл ва тамойиллари,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995, 183-184-б.

рақобат муҳитини таъминлашнинг усул ва воситалари, уларни такомиллаштириш йўналишлари алоҳида, яхлит тизим сифатида тадқиқ этилмаган.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистонда ўтиш даври иқтисодиётида рақобат ва унинг шаклланишининг назарий асосларини ўрганиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш борасида диссертацион тадқиқот доирасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- рақобатнинг иқтисодий мазмуни ўрганиш ва уни амал қилишининг объектив асосларини очиб бериш;

- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатнинг шаклланиш тамойилларини ўрганиш;

- ўтиш даври иқтисодиётида рақобат курашининг намоён бўлиш шакллари ва усулларини назарий жиҳатдан тизимга солиш;

- иқтисодиётда рақобатчилик муҳитини шакллантиришда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, эркинлаштириш ҳамда таркибий ўзгаришлар жарёнларининг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;

- Ўзбекистонда давлатнинг монополияларга қарши қонунчилигини таҳлил қилиш ва уни рўёбга чиқариш амалиётини такомиллаштириш йўллари ўрганиш;

- иқтисодиётда рақобат ва монополия нисбатини тартибга солишда давлатнинг иқтисодий ролини очиб бериш.

Илмий янгиликлари.

- рақобатнинг иқтисодий мазмуни очиб бериш учун асос бўлувчи таърифига турли ёндошувлар назарий жиҳатдан таҳлил қилинди;

- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатнинг шаклланиш тамойиллари аниқланди;

- турли иқтисодий манбаларда келтирилган рақобат шакллари бир тизимга солинди;

- иқтисодиётда рақобатчилик муҳитини шакллантиришда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, эркинлаштириш ҳамда таркибий ўзгаришлар жарёнларининг ўрни ва аҳамиятини очиб берилди;

- иқтисодиётда рақобат ва монополия нисбатини тартибга солишда давлатнинг иқтисодий ролини ошириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилди.

1 -БОБ. РАҚОБАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА ШАКЛЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

1.1. Рақобатнинг иқтисодий мазмуни ва намоён бўлиш шакллари

Иқтисодиёт назарияси фанининг категорияси сифатида рақобат нисбатан узок вақтлардан буён мавжуд бўлган тушунча ҳисоблансада, иқтисодий табиатининг мураккаблиги бугунги кунда ҳам унинг моҳиятини тўлиқ очиб берилган, дейишга асос бўла олмайди. Чунки, рақобатнинг иқтисодий мазмуни ва объектив асосларини очиб бериш, уни таърифлашдаги серқирралик, турфалилик ва зиддиятлар мазкур жараён тадқиқоти мантиқий жиҳатдан давом этаётганлигини англатади.

Бугунги кунда рақобат тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд. Жумладан, Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраевлар томонидан тайёрланган «Иқтисодиёт назарияси» ўқув қўлланмасида рақобатга берилган таърифда асосан икки жиҳат: 1) унинг иқтисодий манфаатлар тўқнашувидан иборат эканлиги; 2) юқори фойда ва нафлига эга бўлиш учун кураш илгари сурилади, яъни: рақобат - бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлига эга бўлиш учун курашни англатади. Бунда ишлаб чиқарувчилар ўртасида сарфланган харажатларининг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун кураш боради. Мана шу фойда орқасидан қувиш натижасида товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозорлар учун, арзон хом ашё, энергия ва арзон ишчи кучи манбалари учун улар орасида кураш боради.

Уз навбатида харидорлар, яъни истеъмолчилар сарфлаган ҳар бир сўм харажати эвазига кўпроқ нафлига эга бўлиш учун курашадилар, уларнинг ҳар бири арзон ва сифатли товар ва хизматларга эга бўлишга ҳаракат қилади.

Рақобат тушунчаси турли изоҳли луғат ва маълумотномаларда ҳам турлича таърифланади. Жумладан, «Язык бизнеса» номли луғатда: «Рақобат (лотинча *concurrere* - тўқнашув; инглизча *competition, rivalry*) - бозорда иштирок этаётган корхоналар ўртасидаги ўз маҳсулотларини сотишнинг энг қулай имкониятларини таъминлаш, харидорларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш мақсадидаги ўзаро таъсир, ўзаро алоқа ва кураш иқтисодий жараёнидир. Рақобат ва монополия диалектик бирликни ташкил этиб, доимо бозорда бир-бирларига қарама-қарши турадилар»³, деб ифодаланган. Бундан кўринадики, рақобатни нафақат кураш, балки ўзаро таъсир ва алоқа жараёни сифатида ҳам талқин этилган. Шу билан бир қаторда, рақобат мақсадини «харидорларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш» сифатида белгилаб, маълум ноаниқликка йўл қўйилган. Чунки, рақобатнинг асосий мақсади харидорнинг эмас, балки унинг иштирокчисининг манфаатларини тўлароқ рўёбга чиқаришдан иборат бўлиб, бу мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракатлар пировардида харидорларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришга олиб келади.

Таниқли иқтисодчиларимиз А.Улмасов ва Н.Тўхлиевларнинг «Бозор иқтисодиёти» қисқача луғат-маълумотномасида: рақобат, конкуренция — мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда, катта ҳажмда сотиш; умуман бозор иқтисодиётида ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураш. Рақобат асоси товар ишлаб чиқарувчиларнинг мустақил бўлиши ва ўз манфаати учун кураш-интилишидан иборат. Рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи кучдир, чунки рақобатда ғолиб келиш учун ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, товар сифатини ошириш, товар сотилишини харидор учун қулайлаштириш зарур, акс ҳолда товарларни пуллаб, катта фойда кўриб бўлмайди. Монополия рақобатга зид, чунки у товар ишлаб чиқарувчига танҳо

³ Язык бизнеса. Термины Под ред. В.А.Чжена. Т.: ИПК «Шарк», 1995, с.216.10

хукмронликни таъминлаб, ўзаро беллашув учун шароит қолдирмайди. Рақобат демонополизацияни талаб қилади, ўзаро беллаша оладиган кўпгина корхоналар бўлишини тақозо этади. Рақобатнинг асосий соҳаси - бозор, бозорда турли корхоналар товарлари рақобатга киришади. Рақобат фақат товарларни сотувчилар эмас, балки харидорлар ўртасида ҳам юз беради. Корхоналар керакли восита, хом ашё, материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашадилар⁴, деб таъкидланади. Яъни, юқоридаги таърифлардан кўринадики, рақобат фақат бозор иқтисодиётига хос, деган қоида илгари сурилади.

Шунингдек, баъзи бир иқтисодий манбаларда меҳнатга оид беллашув бир туринининг бошқасидан сифат жиҳатидан фарқланишини таъкидланиб, «рақобатлашув», «рақибчилик», «беллашув», «мусобақалашув» тушунчаларининг мазмуни фарқлаб берилган. Бугунги кунда мазкур тушунчаларнинг ўзаро нисбати ва тафовутини қуйидагича изоҳлаш мумкин (1.1.1-жадвал).

1.1.1 -жадвал. Рақобат билан боғлиқ тушунчаларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари

<i>Категорияларнинг номи</i>	<i>Ўзига хос хусусиятлари</i>
Беллашув	Яшаш учун кураш орқали намоён бўлувчи етакчиликка, умуман ғалабага интилиш. Беллашувнинг мавжуд бўлмаслиги - инқироз белгисидир. Мусобақа ва рақобатга нисбатан умумий тушунча ҳисобланади.
(Меҳнатдаги рақибчилик	Меҳнат соҳасидаги беллашув шакли, меҳнатда ўзини кўрсатиш, яхши натижаларга эришиш истагидир. У, хусусан, меҳнатдаги шахсий ютуқларни ишлаб чиқариш жараёни бошқа иштирокчиларининг натижалари билан ўлчаш, таққослашни тақозо этади. Меҳнатдаги рақибчилик - умуман беллашувга қараганда нисбатан аниқ тушунчадир.
Мусобақалашув	Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасидаги беллашув шакли бўлиб, иштирокчилар томонидан эришилган натижаларни маълум тарзда таққослаш билан бевосита боғлиқ. Мусобақалашув рейтингни кўтариш, мақомни ошириш томон интилишни тақозо этади. У меҳнат жараёнининг барча иштирокчиларини ўз ўрнига қўйиб, уларнинг табақалашувига олиб келади.
Рақобат	Товар муносабатлари соҳасидаги беллашув шакли, бозор рақибчилигидир. У хом ашё ва яримфабрикатларни харид қилиш ва сотиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишнинг нисбатан фойдали шароитларига эга бўлиш, кўпроқ фойда олиш учун курашдир. Рақобат товар ишлаб чиқарувчиларни табақалашувига олиб келади, товар ишлаб чиқаришнинг регулятори бўлиб майдонга тушади.

⁴ Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Қисқача луғат-маълумотнома. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991,81-6.

Баъзи бир адабиётларда рақобатнинг нафақат бозор иқтисодиётига, балки маъмурий-буйруқбозлик тизимига ҳам тааллуқли эканлиги эътироф этилади. Жумладан, буйруқбозлик иқтисодиёти икки муҳим хусусияти билан ажралиб туради: биринчидан, барча моддий ресурсларга амалда ижтимоий мулкчиликнинг бўлиши; иккинчидан, ресурслардан фойдаланиш ҳажмлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулотларни тақсимлаш ва шу кабиларга тааллуқли барча асосий қарорларнинг марказий давлат органлари томонидан қабул қилиниши. Давлат мулки бўлган корхоналар ишлаб чиқаришни ҳам унинг кўрсатмалари - ишлаб чиқариш режалари асосида амалга оширади.

Аммо, шундай бўлсада, ҳатто шундай вазиятларда ҳам хўжалик соҳасида рақобат кураши фақат яширин ва бузилган шаклларда мавжуд эди. Хўжалик ходимлари давлат органларида ўқшаш корхоналарга қараганда пастроқ режа топшириқлари - бажариш осонроқ, ошириб бажарганлик учун давлат томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириладиган ҳамда обрў берадиган кўрсаткичлар учун кураш олиб борар эдилар. Давлат корхоналари ўртасида фондлар ва лимитлар учун, фойдали ва ишончли етказиб берувчиларга биркитиш учун кураш борар эди. Тармоқлар эса ресурслар олиш учун ўзаро курашарди.

Аммо буйруқбозлик иқтисодиёти шароитларида истеъмолчилар ўртасидаги рақобат ниҳоятда кучли эди: давлат томонидан амалда барча истеъмолчиларга қулай нархлар белгиланган, маҳсулотлар ва хизматлар таклифдан ортиқ талабда ўзининг тақчиллиги туфайли етишмас эди. Нархларни сунъий ушлаб туриш ишлаб чиқариш ҳажмлари тўловга қобил аҳоли эҳтиёжларидан тобора орқада қолаётган тармоқлар сонининг кўпайиб бориши билан қўшилиб, истеъмолчилар ўртасида рақобатнинг одат тусига кирган ғайриқонуний усуллари тизимини яратди: илғор ходимларни тақчил товар харид қилиш ҳуқуқи билан рағбатлантириш, товарларни давлат савдосидан олиб юқори нархларда яширин ва жинойткорона сотиш ва ҳоказолар.

Бу борада таниқли иқтисодчи-олим Ё.Абдуллаевнинг фикрларини келтириш ўринлидир: бозор муносабатлари ўтмишдаги «социалистик мусобақани» мутлақо тан олмайди, у ҳақиқий, таъсирчан, рағбатлантирувчи, эркин рақобатчиликни талаб қилади.

Таъсирчан ва рағбатлантирувчи, эркин иқтисодий рақобатни ривожлантириш эвазига ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар устидан харидорларнинг ҳукмронлиги ўрнатилиб, бу бозор муносабатларининг моҳиятини белгиловчи шароит ҳисобланади⁶. Рақобатнинг фақат эркин бозор иқтисодиёти шароитида тўлақонли амал қилиши ҳамда ўз моҳиятини тўлиқ намоён эта олишини қуйидаги жадвал орқали кузатиш мумкин (1.1.2-жадвал).

1.1.2-жадвал. «Рақобат»нинг турли иқтисодиёт шароитларидаги қиёсий тавсифномаси

⁶ Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. - Т.: «Меҳнат», 1997, 57-58-б.

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида	Эркин бозор иқтисодиёти шароитида
<ul style="list-style-type: none"> • Рақобат «социалистик мусобақа» билан алмаштирилиб келинди. «Рақобат» сўзини ишлатиш тақиқланар эди. • Мусобақа ким ўзиш, ким яхши натижаларга эришиш учун бўлган қалбаки беллашув эди. Чунки эришилмаган ютуқ ва бажарилмаган кўрсаткичларга эришилиши «ракамлар»да таъминланарди. • Социалистик мусобақадаги мажбурий сафарбарлик усули: <ul style="list-style-type: none"> - ташаббускорлик руҳини сўндирадди; - сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш харажатларини 	<ul style="list-style-type: none"> • Рақобат рағбатлантирувчи иқтисодиётни ҳаракатга солувчи кучдир. Шу сабабли у бозор иқтисодиёти механизмида асосий ўрин олади. • Рақобат режалаштирилмайди ва қаттиқ назорат остига олинмайди. Рақобатчиликни бозордаги: <ul style="list-style-type: none"> - талаб ва таклиф; - нарх-наво; - олигополия ва монополия даражаси; - давлатнинг антимонопол сиёсати белгилайди. • Рақобатда мажбурий сафарбарлик бўлмайди. Бу ерда ҳалол ва эркин иқтисодий рақобатни
<p>пасайтириш имконини бермас эди; - «ялпи маҳсулот» мафкураси ҳуқумронлигида мусобақа кўрсаткичлари кўпинча миқдорий кўрсаткичларга қараб бажарилар эди.</p>	<p>ривожлантириш эвазига ишлаб чиқарувчилар устидан харидорларнинг ҳуқумронлиги ўрнатилади.</p>

Иқтисодий категория сифатида «рақобат» нисбатан кенг тарқалган фундаментал атама ҳисобланади. Бироқ, рақобат тушунчаси шу қадар серқирраки, уни қандайдир ягона умумий таъриф билан қамраб олиш мумкин эмас. Рақобат ҳам хўжалик юритиш усули, ҳам бир капиталнинг бошқаси билан беллашувини таъминловчи капиталнинг амал қилиш усули. Рақобатда ювар ишлаб чиқаришнинг хусусияти, унинг ривожланиши усули энг асосий аҳамиятли белги сифатида қаралади. Бундан ташқари, рақобат ижтимоий ишлаб чиқаришнинг стихияли регулятори ролида ҳам майдонга тушади.

«Рақобат» тушунчасини аниқлаштиришнинг баъзи бир нуқтаи назарларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. А.Смит рақобатни бозордаги алоҳида сотувчи ва харидорларнинг нисбатан фойдали сотиш ва харидга эришиш учун беллашувини ифодаловчи хулқий категория сифатида талқин этган. Й.Шумпетер рақобат иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан янги товарлар, янги технологиялар, эҳтиёжларни қондиришнинг янги манбалари, ташкилотлар янги турларининг эскилари билан оеллашувини намоён этади, деб таъкидлайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, рақобатни максимал фойдани қўлга киритиш, нисбатан қулай хўжалик юритиш шароитларига эга бўлиш учун товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кураш сифатида баҳолаш мумкин.

Бошқа томондан, рақобатни маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида, шунингдек капитал киритиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро таъсирини таъминловчи бозор механизмининг элементи сифатида кўриб чиқиш мумкин. Рақобатнинг амал қилиш шакли ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг меъёр ва қоидалари тизими ҳисобланиб, унинг асосида давлатнинг директивалари, давлат ва хусусий фирмалардан иборат миллий хўжалик амал қилишининг бозор усуллари ётади. Умумий тарзда, рақобатнинг моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этувчи жиҳатларни қуйидаги чизма ёрдамида тасвирлаш мумкин .

1.2. Рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман товар ҳўжалигининг энг муҳим белгиси хисобида.

Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасидаги рақобат товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Бунда улар керакли ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашади. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат охир-оқибатда истеъмолчилар учун курашдир.

Ресурсларни етказиб берувчилар ўзларининг иқтисодий ресурсларини (капитал, ер-сув, ишчи кучи) юқори баҳоларда сотиш учун рақобат қиладилар. Ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат бозор муносабатлари ривожланган, иқтисодиёт тўлиқ эркинлашган шароитда ёрқин намоён бўлади.

Рақобат истеъмолчилар ўртасида ҳам юз беради; улар товарларни қулай ва арзон баҳоларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар, яъни харидор ҳар бир сарфланган пул бирлиги эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлишга ҳаракат қилади. Арзон ва сифатли товарни тезроқ сотиб олиш учун курашади.

Таниқли инглиз олими М.Е.Портернинг тадқиқотларига кўра, алоҳида бозордаги рақобатнинг ҳолатини бешта рақобат кучи орқали тавсифлаш мумкин:

1. Рақобатлашувчи сотувчилар ўртасидаги беллашув.
2. Бир бирини ўрнини босувчи ва нарх нуқтаи назаридан рақобатбардош бўлган товарлар ўртасидаги рақобат.
3. Янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиш хавфи.
4. Мол етказиб берувчиларнинг иқтисодий имкониятлари ва савдо "қобилиятлари.
5. Харидорларнинг иқтисодий имкониятлари ва савдо қобилиятлари. 3-иловада келтирилган модель рақобат кучларининг структуравий схемасини формулировка қилиш ва ўрганиш учун концептуал восита бўлиб хисобланади.

Рақобатнинг бешта кучи пировардида ҳар бир бозор ҳамда уни таркиб юптирувчи иқтисодий birlikлар амал қилувчи шароитларни белгилаб беради. Ҳар бир кучнинг ҳолати ва уларнинг биргаликдаги таъсири рақобат курашидаги конкрет ишлаб чиқариш тизими имкониятларини ва унинг салоҳиятини белгилаб беради.

Рақобат курашининг мазмуни тўғрисида тўлароқ тушунчага эга бўлиш учун унинг асосий шакллари ва белгиларини ҳар томонлама, чуқур кўриб чиқиш зарур.

Бозордаги корхона товарлари рақобатининг бир неча турлари (функционал рақобат, кўриниши бўйича рақобат, предмет бўйича рақобат) амал қилади. Функционал рақобат ҳар қандай эҳтиёжни турли воситалар орқали қондириш мумкинлиги натижасида келиб чиқади. Шунга кўра, бунда қондиришни таъминловчи барча товарлар функционал рақобатлашувчи хисобланади. Кўриниши бўйича рақобатлашув - бу бир мақсадга мўлжалланган, бироқ, қандайдир аҳамиятли параметри бўйича фарқланувчи товарларнинг мавжудлигидан келиб чиқади. Предмет бўйича рақобатлашув — бу фирмалар томонидан фақат тайёрланиш сифати жиҳатидан фарқланувчи бир хилдаги товарларнинг ишлаб чиқарилиши натижасида вужудга келади. Шунингдек, предмет бўйича рақобатлашувни яна фирмалараро рақобатлашув деб ҳам аталади.

Рақобат ҳолатининг таҳлилини қуйидаги тўртта асосий мезондан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш мумкин:

- 1) сотувчининг хулқ-атвори тавсифига кўра:
 - полисиёсий рақобат;

- олигосиёсий рақобат.
- 2) товарнинг табақалашуви даражасига кўра:
 - бир турдаги рақобат;
 - бир турдаги ва гомоген (товарнинг табақалашувисиз) рақобат;
 - гетероген (товарнинг табақалашуви) рақобат.
- 3) тармоққа киришнинг эркинлик даражасига кўра:
 - очиқ рақобат;
 - ёпиқ рақобат.
- 4) қўлланилаётган ҳатти-ҳаракатларга кўра:
 - нарх бўйича рақобатлашув;
 - нархсиз рақобатлашув.

Уз миқёсига кўра рақобат энг аввало икки турга — тармоқ ичидаги рақобатга ва тармоқлараро рақобатга бўлинади.

Иқтисодий адабиётларда бир тармоқ ичидаги рақобатнинг тўртта шакли алоҳида ажратилиб кўрсатилади. Булар эркин рақобат, монополистик рақобат, монополия ва олигополиядир.

Эркин рақобат икки даражада намоён бўлади: тармоқ ичида, яъни бир хил товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги рақобат ва тармоқларо, яъни турли тармоқлардаги корхоналар ўртасидаги рақобат. Тармоқлар ичидаги рақобат ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, қўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради. Ҳар бир тармоқда техника билан таъминланиш даражаси ва меҳнат унумдорлиги даражаси турлича бўлган корхоналар борлиги сабабли шу корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларнинг индивидуал (алоҳида) қиймати бир хил бўлмайди.

Тармоқ ичидаги рақобат товарларнинг ижтимоий қийматини, бошқача айтганда, бозор қийматини аниқлайди ва белгилайди. Бу қиймат, одатда, ўртача шароитда ишлаб чиқарилган ва муайян тармоқ товарларининг анчагина қисмини ташкил этадиган товарларнинг қийматига мос келади.

Тармоқлар ичидаги рақобат натижасида техникавий даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналар қўшимча фойда оладилар ва аксинча, техника жиҳатдан ночор корхоналар эса, ўзларида ишлаб чиқарилган товар қийматининг бир қисмини йўқотадилар ва зарар кўрадилар.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқларга капиталларнинг оқиб ўтишига сабаб бўлади. Янги капиталлар кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклиф кўпайишига олиб келади. Шу асосда, нархлар пасая бошлайди. Шунингдек, фойда нормаси ҳам пасаяди. Кам фойда келтирувчи тармоқлардан капиталнинг чиқиб кетиши тескари натижага олиб келади: бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради, товарларга бўлган талаб улар таклиф килишидан ошиб кетади, бунинг оқибатида нархлар кўтарилади, шу билан оирга фойда нормаси ошади. Натижада тармоқлараро рақобат объектив равишда қандайдир динамик мувозанатни келтириб чиқаради. Бу мувозанат капитал қаерга сарфланганлигидан қатъий назар, тенг капитал учун тенг фойда олинишига интилишни таъминлайди. Демак, тармоқлараро рақобат капитал қайси тармоққа солинмасин, худди шу тармоқ фойда нормаларини ўртача фойда нормасига «бараварлаштиради».

Рақобатни, унинг вужудга келиши ва амал қилишидаги табиийлик, бу жараёнларга ташқи кучларнинг таъсир қилиш даражасидан келиб чиққан ҳолда икки асосий гуруҳга - мукаммал ва номукаммал рақобатга ажратиш мумкин.

Мукаммал рақобат қуйидаги бир қатор белгилар билан тавсифланади:

- бозор ичидаги ресурсларнинг ҳаракатчанлиги;
- бозорга кириш ва ундан чиқишнинг эркинлиги;
- сотувчилар хатти-ҳаракатининг бир-бирига боғлиқ бўлмаслиги;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир хил кўринишда эканлиги;
- сотилган маҳсулот ҳажми;
- нарх тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиш имконияти.

Мукаммал рақобатнинг ягона кўриниши - соф ёки эркин рақобатдир. Соф рақобат гомоген маҳсулотнинг савдо-сотиғи билан шуғулланувчи кўплаб сотувчи ва харидорларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Юқори даражада ташкил қилинган бозорда кўплаб сотувчилар ўзларининг маҳсулотларини таклиф қиладилар. Бундай шароитда бозорда маҳсулот табақалашуви мавжуд бўлмай, кўп сонли сотувчи ва харидорлар, эркин ҳолда ҳаракат қилиб, бозор нархининг шаклланишига таъсир кўрсата олмайдилар.

Соф рақобатли бозорда алоҳида корхоналар маҳсулот нархи устидан сезиларсиз назоратни амалга оширади. Чунки ҳар бир корхонада умумий ишлаб чиқариш ҳажми унча катта бўлмайди. Шу сабабли алоҳида корхонада ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки камайиши умумий таклифга, демак маҳсулот баҳосига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Соф рақобат шароитида янги корхоналар тармоққа эркин кириши, тармоқда мавжуд бўлган корхоналар эса уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Хусусан янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг рақобатли бозорда маҳсулотларини сотишга ҳуқуқий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Шунингдек, иқтисодий адабиётларда «самарали рақобат» тушунчаси ҳам қўлланилади. Самарали (реал) рақобат бозорда соф рақобат ёки мукаммал рақобат шароити мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам ундаги сотувчи ва харидорлар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракат қилган чоғда вужудга келади.

Соф рақобат, умуман олганда, рақобатнинг ҳар бир шакли ҳам миллий иқтисодиётда алоҳида-алоҳида, яъни соф ҳолда учрамайди. Иқтисодиёт соҳаларини батафсил ўрганиш, чексиз кўп ҳар хил рақобатли вазиятлар мавжудлиги шароитида, иккита бир хил тармоқни топиш қийинлигини кўрсатади.

Шу сабабли соф рақобатли бозорнинг характерли белгилари билан, соф монополия, монополистик рақобат ва олигополиянинг хусусиятлари ўртасидаги фарқларни кўрсатиб бериш фойдали. Бундай таққослашни енгиллаштириш учун бозорнинг кейинги учта моделини билдириш учун «такомиллашмаган» ёки «номукаммал» рақобат деган умумий номдан фойдаланилади.

Номукаммал, монополистик рақобат XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида монополияларнинг пайдо бўлиши билан вужудга келди. Мазкур давр капиталнинг концентрацияси, акциядорлик жамиятларининг вужудга келиши билан тавсифланади. «Монополия» атамаси том маънода товарнинг ягона сотувчиси мавжудлигини англатади. Бироқ, ҳозирги вақтда бу атама ўзининг дастлабки талқинини йўқотиб, номукаммал рақобатга хос бўлган бозор ҳолатининг турли кўринишларини белгилашда фойдаланилади. Монополистик рақобатнинг асосий белгиси бўлиб юқори монополь нархлар ва монополь фойдалар ҳисобланади.

Монополияда тармоқ битта фирмдан иборат бўлиши сабабли, у мавжуд маҳсулот (хизмат) нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва яқка ҳукмронлик шаклланади.

Монополия шароитида фирма нарх устидан сезиларли назоратни амалга оширади. Бунинг сабаби оддий бўлиб, у махсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва демак, таклифнинг умумий ҳажми устидан назорат қилади.

Монополиянинг мавжуд бўлиш тармоққа кириш учун тўсиқларнинг мавжуд бўлишига сабаб бўлади. Иқтисодий, техник, ҳуқуқий ёки бошқа тўсиқлар янги рақобатчиларнинг тармоққа киришига йўл қўймайди. Тармоққа кириш учун тўсиқлар ҳар хил кўринишларни олади. Буларнинг асосийлари қуйидагилар:

- а) ишлаб чиқариш миқёси келтириб чиқарадиган тўсиқлар;
- б) табиий монополиялар вужудга келтирадиган тўсиқлар;
- в) патент ва лицензиялар каби қонуний тўсиқлар;
- г) хом-ашёнинг муҳим турларига хусусий мулкчилик;
- д) ғирром рақобат.

Шу ўринда ҳалол рақобатнинг белгиларини ҳам кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳалол рақобат:

- қалбаки беллашув, мажбурий сафарбарликни тан олмайди;
- боқимандалик, бефарқлик, юзакичилик, кўзбўямачилик каби салбий ҳолатларга барҳам беради;
- қариндош-уруғчиликни, ошна-оғайнигарчиликни, таниш-билишликни, маъмурий-буйруқбозликни тан олмайди⁷.

Номукамал рақобат турларини таҳлил қилишда монополия шароитида рақобатнинг яна қуйидаги кўринишлари ҳам фарқланади: монопсония, олигопсония, дуополия, билатерал монополия.

Монопсония - муайян товарнинг ягона харидори монополияси мавжуд бўлган бозор тузилмаси тури. Ўз харид ҳажмини чеклаш орқали харидор сотувчи даромадининг бир қисмини йўқотиш ҳисобига монопол фойда олиш имконига эга бўлади.

Олигопсония - муайян товарнинг бир гуруҳ харидорлари мавжуд бўлган бозор тузилмаси тури.

Дуополия - муайян товарнинг фақат икки нафар етказиб берувчиси мавжуд бўлган ва улар ўртасида нарх, сотиш бозорлари, ишлаб чиқариш квотаси бўйича монополистик келишувлар бўлмаган шароитдаги бозор тузилмаси тури.

Билатерал (икки томонлама) монополия — ягона мол етказиб берувчи ва ягона (бирлашган) истеъмолчининг қарама-қарши кураши вужудга келувчи бозор тузилмаси тури.

Рақобатлашувнинг ҳар қандай шакли нарх механизмини қўллашга асосланади. Нархларнинг шаклланиши уч томонлама рақобатлашув натижасида вужудга келади. Шунга кўра нарх бўйича ва нархсиз (нобаҳовий) рақобатни фарқланади.

1.3. Утиш даври иқтисодиётида рақобатни шакллантириш тамойиллари

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ўз ичига эски, самарасиз хўжалик юритиш механизми ўрнига бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган махсус чора-тадбирлар тизимини олади. Бу чора-тадбирлар орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш масаласи алоҳида ўрин тутди. Нисбатан анча илгари бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини бошидан кечирган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, рақобат муносабатларини ривожлантириш анча мураккаб ва узоқ даврни олувчи жараён ҳисобланади.

⁷ Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. - Т.: «Мехнат», 1997, 58-59-б.

Соғлом рақобатни ривожлантиришда аксарият ҳолларда ўтиш даври иқтисодиёти учун хос бўлган қуйидаги муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади:

- давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг кучлилиги;
- тармоқлар тузилишидаги номувофиқликлар ва ишлаб чиқаришда юқори технологияларнинг етишмаслиги;
- соҳа ва тармоқлар миқёсидаги рақобатда адолат мезонларининг бузилиши;
- мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти борасида суистеъмоллик ҳолатларига йўл қўйилиши;
- нарх белгилашда монопол мавқенинг сақланиб қолиши, хусусан иқтисодиётнинг аграр ва индустриал секторидан нархларнинг кескин фарқланиши;
- мамлакатга товарларнинг контрабанда йўли билан кириб келиши;
- фаолият турини ва даромадларни яшириш ҳолатларининг мавжудлиги;
- соғлом пул муомаласи учун ҳозирги шароитдан келиб чиқадиган бозор инфратузилмасининг етарли эмаслиги;
- миллий валютани хориж валюталарига эркин алмаштириш имкониятларининг чекланганлиги;
- субъектларнинг бозор иқтисодиёти қоидаларини чуқур тушуниб етмасликлари;
- иқтисодий жиноятчилик ҳолатларининг мавжудлиги.

Агар ғарб мамлакатлари иқтисодиётида рақобат бозор хўжалигининг ажралмас қисми (хусусияти) сифатида табиий равишда пайдо бўлган бўлса, ўнлаб йиллар давомида маъмурий буйруқбозлик тартиби ҳукмрон бўлган, рақобатни ва бозорнинг бошқа белгиларини тан олмаган мамлакатларда бу жараён элементларини "жорий қилиш" ва ҳатто мажбуран қабул қилишга тўғри келади. Шу муносабат билан иқтисодиётнинг ўтиш даври ҳолатида рақобат муносабатларини ривожлантиришнинг мавжуд реал имкониятларини ҳисобга олиш муҳим рол ўйнайди.

Биринчидан, рақобатсиз иқтисодиётнинг самарали ҳаракат қила олмаслигига ишонч шаклланди. Бу ишонч таъсирида яқин вақтларгача ҳукмрон мавқега эга бўлган режали-буйруқбозлик тизимининг ғоявий ирашлари емирилмоқда. Иккинчидан, республикада рақобатни давлат гомонидан рағбатлантириш ва тартибга солишнинг кенг режали ҳаракатлари шатилмоқда. Учинчидан, рақобат ҳали кенг жорий қилинмасида, бозор иқтисодиётига ўтишда муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида рақобатни шакллантиришнинг асосий тамойиллари қаторида, энг биринчи навбатда, *бозор муносабатларининг қарор топтирилишини* таъкидлаш мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айна вақтда рақобатчилик муҳитининг шаклланишини билдиради.

Рақобатнинг тўлақонли амал қилиши иқтисодий жараёнларнинг эркинлигини тақозо этади. Иқтисодиётдаги фаолият ва жараёнларнинг эркинлигининг ҳар қандай кўринишдаги чекланиши ўз навбатида рақобатнинг ҳам чекланиши ҳолатларига олиб келади. Бугунги кунда маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтаётган кўплаб мамлакатлар учун *эркинлаштириш жараёнларини амалга ошириш* тамойили хос бўлиб, бу жараён орқали қуйидаги ҳолатларга эришиш кўзда тутилади:

- кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш;
- хусусий секторни ривожлантириш;
- рақобат муҳитини яратиш, яккаҳукмронлик ҳолатини бартараф этиш ва монополияга қарши тартиблашни такомиллаштириш;
- бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимини такомиллаштириш, банк ислоҳотларини жадаллаштириш;

- ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валютани тартибга солишни эркинлаштириш;

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг аралашувини чеклаш. уларнинг иқтисодий ва молиявий масъулиятларини ошириш, банкротлик институти родини кучайтириш, хўжалик судларини фаоллаштириш. Шунингдек, таъкидлаш ўринлики, фаолият эркинлиги, ҳар бир кишининг танлаш имкониятига эга бўлишигина рақобат учун кенг йўл очади.

- Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатни ривожлантириш тамойилларидан яна бири - соғлом рақобатни таъминлашга йўналтирилган *жъёрий-хуқуқий асоснинг яратилиши* ҳисобланади. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий жараённинг хуқуқий асоси ва кафолатларини таъминламай туриб, унинг ижобий самараси тўғрисида ўйлаш асло мумкин эмас.

Иқтисодиётда монополлашув принциплари кучайиб бориши билан рақобат чекланади, шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади. Бу эса давлатнинг монополияларга қарши сиёсатида ўз аксини топади. Ҳар бир мамлакатдаги аниқ вазият, яъни иқтисодиётнинг монополлашув даражаси унинг миқёси ва характериға қараб, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш, уни сақлаб қолиш, зарур бўлганда қайтадан тиклаш, рақобат усулларини қарор топтириш кабиларға қаратилади. Масалан, АҚШда давлатнинг хусусий монополиялар фаолиятини чеклашға қаратилган тадбирлари 1980 йилда трестларға қарши қабул қилинган Шерман қонуни, 1914 йилдаги Клейтон қонуни ва Федерал савдо комиссиясининг қонунларида ўз ифодасини топади. Монополияларға қарши қонунчилик ва уни амалға ошириш учун зарур бўлган чора-тадбирлар бошқа мамлакатларда ҳам шароит тақозо этган шаклларда амал қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатни ривожлантириш тамойилларидан бири - иқтисодиётда корхоналарнинг сунъий равишда *устушик мавқеиға эга бўлиши* учун *имкон яратмасликдир*. Бу борадаги энг самарали чора-тадбирлар сифатида монополист-корхоналарнинг товар бозоридаги эгаллаб турган устунлик мавқеини суистеъмол қилишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик бўйича назорат олиб бориш майдонға тушади.

Устунлик мавқеиға эга бўлган корхона товар бозорларида юзаға келган муносабатларға ўз таъсирини кўрсатиш имкониятиға эга бўладилар. Баъзида истеъмолчилар монополистик корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маълум бир товарларға эҳтиёжининг юқори бўлганлиги сабабли, уларнинг турли хил ноқонуний шартларига кўникишға мажбур бўладилар.

Монополистик корхоналарнинг бозордаги устунлик мавқеини суистеъмол қилиш ўз-ўзидан товарлар ва хизматлар нархининг асоссиз равишда ўсиш ва сифатинининг пасайишиға олиб келади. Бундан ташқари, устунлик мавқеини суистеъмол қилишнинг салбий оқибатлардан бири -товар бозорларида истеъмолчилар ўртасида нотенглик ҳолатларини юзаға келтириш, яъни айрим истеъмолчиларларға маҳсулот етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишдан асоссиз равишда бош тортиш, монопол қиммат нархларда сотиш ва бошқаларға олиб келади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида соғлом рақобатни шакллантиришнинг тамойилларидан яна бири бўлиб *монополияға қарши қонунчиликнинг ишлаб чиқилиши* ва *унға амал қилишнинг таъминланиши қисоблашди*. Монополияға қарши қонунчилик амалиётида тез-тез содир бўладиган қонунбузарликлардан бири бу - ноҳалол рақобатдир. Масалан, кўидагилар ноҳалол рақобатға мисол бўлади: ўзига рақобатбардош бўлган корхоналарнинг маҳсулотлари ва хизматларини қалбакилаштириш ва уларнинг

махсулотлари тўғрисида ёлғон ва ноаниқ маълумотларни тарқатиш ҳамда рақобатчиларнинг тижорат сирларини тарқатиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобат учун шарт-шароитларни шакллантиришнинг бошқа муҳим тамойили - хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги келишиб қилинган ноқонуний ҳаракатларни (битимлари) устидан *дишат назоратини олиб бориш* ҳисобланади. Чет эл амалиётида ушбу тарздаги келишиб олиб бориладиган ҳаракатларни картел деб аташ қабул қилинган. Картелларнинг фаолияти нафақат бир давлатнинг товар бозорида *лки* жаҳон бозорида ҳам ноҳуш ҳолатларни келтириб чиқариш мумкин. Картел сифатидаги келишувлар нархларни сунъий равишда ошишига, шунингдек уларнинг иштирокчилик ўртасида рақобатни умуман бўлмаслигига олиб келади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш жараёнини сусайтиради.

Иқтисодий концентрациялар, яъни хўжалик субъектларининг қўшилиши, қайта ташкил этилиши, бошқа хўжалик юритувчи субъектларининг акциялари назорат пакетини сотиб олиш, холдинг компаниялари ва молия-саноат гуруҳларини ташкил қилиш устидан назорат олиб бориш *давлат назорат органлари фаолиятининг* асосий тамойилларидан ҳисобланиб, ушбу тамойил айниқса АҚШ, Ғарбий Европа, Япониядаги монополияга қарши органлар амалиётида энг асосий йўналишларидандир. Масалан, АҚШда монополияга қарши давлат сиёсати - Федерал савдо комиссияси ва Адлия Департаментининг трестларга қарши бошқармаси, Россияда - Монополияга қарши сиёсат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Европа Иттифоқида эса — Рақобат бўйича комиссия томонидан амалга оширилади.

Ўтиш даври иқтисодиётида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда иқтисодиётдаги монопол ҳолатларни тартибга солиш ва рақобатни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус идоралар, муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш *давлатнинг махсус органи фаолиятининг асосий йўналишлари* қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

- мамлакатда соғлом рақобат муҳитини яратиш учун зарур ташкилий, иқтисодий ва молиявий шарт-шароитларни, мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий базани шакллантириш;

- монополистик корхоналар ва табиий монополия субъектлари фаолиятларини тартибга солиш;

- ноҳалол рақобат ва келишиб олиб бориладиган ҳаракатлар (битимлар) устидан назорат олиб бориш;

- давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатлари устидан назорат олиб бориш;

- иқтисодий концентрациялар устидан назорат олиб бориш ва бошқалар.

Бозор муносабатларини шакллантириш даврида рақобат муҳитини вужудга келтириш *табиий монополиялар борасидаги махсус сиёсатнинг* ишлаб чиқилишини тақозо этади. Иқтисодиётда шундай соҳа ва тармоқлар мавжудки, уларда маълум бир давр мобайнида рақобат муҳитини шакллантириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмай, бундай корхоналарни одатда «табиий монополия субъектлари» деб аталади.

Ўтиш даври иқтисодиётида рақобатни ривожлантириш учун доимий равишда монополизмга барҳам бериш, соғлом рақобатнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий базасини қуйидаги йўналишларда такомиллаштириб бориш зарур:

- монополияга қарши тартибга солиш соҳасида прогрессив халқаро тажрибаларни жорий этиш;

- шаклланган рақобат муҳити ҳимоялаш;

- бошқарув органлари томонидан рақобатга қарши ҳаракатларни амалга оширмаслик юзасидан доимий назорат даражасини кучайтириш;

- молия бозорлари субъектларининг рақобатини чеклаши мумкин бўлган турли хил ҳаракатлари устидан назоратни ўрнатиш бўйича қонуний чора-тадбирларни кўриш;

- монополист-корхоналар томонидан белгиланадиган нархларни декларация қилиш усулида уларни кузатиш усулига ўтиш ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобат муҳитининг вужудга келишига қуйидаги омиллар салбий таъсир кўрсатади:

- валюта ресурсларини сотиб олишни чеклаш, хом ашё ва материалларни импорт орқали олишдан тенг бўлмаган шароитларни ҳосил қилади ва савдо монополиясининг ривожланишига олиб келади;

- корхоналарнинг ўз маблағлари етишмаслиги стратегик тармоқларга қўйиладиган давлат ва чет эл инвестициялари ҳажмларининг камайишига сабаб бўлади.

Шунга кўра, рақобатни ривожлантиришга қаратилган қуйидаги чораларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- мулкни қайта тақсимлаш натижасида янги монопол тузилмалар пайдо бўлишига йўл қўймаслик, тармоқларда иқтисодий марказлашув, жумладан, давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва мулк олди-сотдиларини амалга ошириш устидан назоратни кучайтириш;

- товар бозорларида хўжалик юритиш (хом ашё, кредит ва валюта ресурслари олиш) учун тенг имконият ва имтиёзлар яратиб бериш;

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари таъсирига барҳам бериш;

- кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликнинг ривожланишига кўмаклашиш (консалтинг, маркетинг хизмати ва банк-кредит воситаларини такомиллаштириш, ўзаро муносабатларни мумкин қадар соддалаштириш);

- шартномавий (эркин) нархлар шаклланишининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, бозордаги суистеъмолчиликларни назорат қилиш ва уларга барҳам бериш мақсадида монополияга қарши кураш ва бошқарув услубларини янада такомиллаштириш.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РАҚОБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

2.1. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш – рақобатни шакллантиришнинг асосий шарти

Ўзбекистонда давлатнинг рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатида хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисобидан мулкчиликнинг бошқа шакллари вужудга келтириш асосий ўрин тутди. Хусусийлаштириш натижасида, биринчидан, мулк ўз эгалари қўлига юпширилса, иккинчидан, кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўли, бу рақобатни инкор қилувчи давлат монополиясидан нодавлат, турли хўжалик шакллари мавжудлигига асосланган ва иложи борида эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу ерда рақобатчилик муносабатларини шакллантириш, аввало, мустақил эркин товар ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлишини тақозо қилади, чунки рақобатнинг асосий шарти алоҳидалашган, мулкий масъулият асосида ўз манфаатига эга бўлган ва тадбиркорлик таҳликасини зиммасига олувчи эркин хўжалик субъектларининг мавжудлиги, уларнинг бозор орқали алоқа қилишидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатчилик муҳитини шакллантириш узоқ муддатли ва мураккаб жараён бўлиб, у жуда кўплаб омилларнинг таъсири остида боради. Айниқса, иқтисодиётдаги мулкчилик муносабатларининг янада такомиллашувига, самарадорлигининг ошишига олиб келувчи мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш рақобат муҳитининг ривожланишида етакчи ўрин тутди.

Шунга қўра, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга муҳим аҳамият касб этувчи жараён сифатида қаралиб, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунида (1991 йил 19 ноябр) қуйидаги таъриф берилди:


Давлат тасарруфидан чиқариш - давлат корхоналарини ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, акцияли жамиятларга, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қаршли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

Хусусийлаштириш — фуқароларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.⁸

Хусусийлаштириш - бу кўп даражали, комплекс вазифа ҳисобланади. Дастлаб хусусийлаштириш дастури доирасида давлат корхоналари хусусий шаклга ўтказилади. Бу одатда расмий хусусийлаштириш деб аталиб, у кейинги хусусийлаштириш жараёнлари учун ҳуқуқий асос сифатида майдонга тушади. Сўнгра мулкчилик ҳуқуқи корхоналарга ўтказилиб, хусусий шахслар учун манфаатларини рўёбга чиқариш имконияти яратилади. Учинчи вазифа янги мулкдорнинг самарали хўжалик юритишини рағбатлантириш (масалан, дотацияларни қисқартириш ҳамда рақобат муҳитини яратиш ва ҳ.к.) орқали, тадбиркорлик жавобгарлиги ва хавф-хатарни ўз зиммасига олишига мажбур этишдан иборат.

Хусусийлаштириш кенг қамровли ислохотларнинг бир қисми зканлигини қуйидаги 2.1.1-чизма орқали тасаввур этиш мумкин:

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида. /Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992. - 65 б.



Тасвирдан кўринадики, хусусийлаштириш жараёнининг муваффақияти *шр* вақтда қатор тадбирларни амалга ошириш билан мустақкам боғлиқ. Улар рсадаги алоҳида ҳолат сифатида рақобатни рағбатлантиришни таъкидлаш ринлидир. Чунки, агар рақобат муҳитини яратиш бўйича кўшимча чора-адбирлар амалга оширилмаса, монополияларни хусусийлаштиришнинг ўзи оптимал самарадорликка эришиш имконини бермайди.

Хусусийлаштириш ва рақобатни рағбатлантириш иқтисодий жараёнга ҳаракатчанликни баҳш этувчи ислоҳотларнинг муҳим элементларини намоён этади. Фойда олишга бўлган рағбат ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан тўқнашувига ва навбатдаги рақобат курашига олиб келиб, пировардида иқтисодиёт барча субъектлари фаровонлигининг ошишига замин яратади.

Рақобатни рағбатлантириш хусусийлаштиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Хусусийлаштиришнинг потенциал натижаларини амалга ошириш зарур бўлган чоғда тегишли бозорлар рақобат учун очиклигини аниқлаш зарур бўлади. Давлат монополияларини тегишли марказлашувдан қайтарувчи тадбирларсиз хусусийлаштириш кутилаётган муваффақиятга эмас, балки пировардида давлат монополияси сингари муаммоларга билан боғлиқ бўлган хусусий монополияларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Самарали рақобат сиёсатини амалга ошириш усули бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) Рақобатни рағбатлантириш.

Кўплаб ислоҳ қилинаётган ва ривожланаётган мамлакатларда рақобатнинг чекланишига олиб келувчи қатъий бозор тuzilmалари амал қилади. Айниқса собиқ марказдан бошқарилувчи хўжаликларда йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларининг нисбатан енгиллик билан режалаштирилиши, шунингдек, миқёс самарасидан корхоналарнинг кўламини кенгайтириш мақсадида фойдаланиш давлат монополияларини яратилишига олиб келди. Бундан ташқари, аксарият ҳолларда бу ерда алоҳида корхоналар ўртасидаги мустақкам алоқа мавжуд бўлади. Монополияларнинг барҳам топтирилиши ҳамда йирик корхоналарнинг майда бирликларга ажратилиши бозорнинг узини-ўзи тартиблаш механизми кучга кириши учун рақобат сиёсатининг дастлабки вазифаларидан ҳисобланади.

Концентрациялашувдан қайтариш йўналиш ва миқёсларини аниқлашда иқтисодий аргументларга асосланиш лозим. Иқтисодиётнинг кўриб чиқилаётган тармоғидаги рентабеллик нуқтаи назаридан оптимал ҳисобланган корхона кўлами бозор ҳажми билан биргаликда энг оз харажатларни тақозо этувчи корхоналарнинг максимал сонини, шу

билан бирга, бозорнинг идеал тузилмасини белгилаб беради. Мавжуд монополияни оқибатда алоҳида корхоналарнинг шундай сонига бўлиш керакки, бу корхонларга тегишли бозор самарали хизмат кўрсата олсин.

Мазкур жараён доирасида давлат корхоналарини ажратиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий шаклида юридик жиҳатдан мустақил, хусусий иқтисодий корхоналарга айлантириш имконияти мавжуд. Бу аксарият ҳолларда корхоналар низомига тўлдиришлар киритиш ва рўйхатдан ўтказишни ўз ичига олувчи соф расмий жараёндан иборат бўлади. Баъзан корхона тугатилиши ва унинг барча активлари янги ҳуқуқий шаклга ўтказиб берилиши мумкин.

Кўплаб ривожланаётган мамлакатларда монополияларнинг мавжудлиги ва рақобатнинг бўлмаслиги бозорнинг унча катта бўлмаган ҳажми билан боғлиқ. Алоҳида корхоналарнинг бозордаги ҳукмронлигини бартараф этиш мумкин эмас, чунки фақат санокли корхоналаргина мамлакат миқёсида минимал харажатлар билан ишлаши мумкин. Ички рақобатнинг етишмаслиги ташқи бозордаги рақобат билан тўлдирилиши ҳам мумкин, бунинг устига ташқи савдо аста-секин эркинлашиб бормоқда, импортга бўлган солиқларнинг юқори даражаси ҳам пасайиб бормоқда.

Рақобатни рағбатлантириш бўйича келгуси чора-тадбирлар бозорга бўлган мавжуд чекловларни пасайтириш орқали намоён бўлади. Масалан, техник жиҳатдан тараққиётга кўмаклашув ёки янги рақобатчиларга ижтимоий буюртмаларни сотиш орқали унча катта бўлмаган корхоналарнинг фаолияти ҳам самарали бўлишига эришиш мумкин.

2) Рақобатни ҳимоялаш.

Ҳуқуқий тартибга солиш ва назоратни яратиш ёрдамида корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг рақобатни чекловчи типини бартараф этилиши лозим. Бунга айниқса картеллар устидан самарали назорат, шунингдек, битимларни тақиқлаш ёки рақобатчиларни сиқиб чиқариш (масалан, демпинг) кабилар тааллуқлидир.

Хусусийлаштиришнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- капитал ва мулк эгаларининг яхлит тизимини юзага келтириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- кўплаб хўжалик масалаларини ҳал этишда давлатнинг иштирокини камайтириш ёки умуман бартараф этиш;

- капитал бозорини ташкил қилиш ва бунинг учун зарур бўлган инфратузилмани яратиш ва ҳоказо.

Хусусийлаштириш жараёнининг тезлашиши ва унинг асосида турли мулк шакллариининг барпо қилиниши субъектлар ўртасида рақобат муҳитининг шаклланишига ва унинг ривожланишига туртки ҳисобланади. Чунки аниқ бир мулк эгасигина бу мулкни асрашга, уни янада кўпайтиришга ҳаракат қилади. Мулкни кўпайтириш йўлида қилинган саъй-ҳаракат ишлаб чиқариш суръатларини ва ҳажмини оширишга, маҳсулот турларини купайтиришга, бозор ва истеъмолчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда товарлар ишлаб чиқаришга интилтади. Бозор муносабатларида иштирок қилувчи ҳар бир субъектнинг бундай ҳохиши улар ўртасида рақобат муҳитининг юзага келишига ва янада ривожланишга асос солади.

Хусусийлаштириш жараёнининг секин бориши ва уни олиб боришда камчиликларнинг мавжуд бўлиши эса:

- ишлаб чиқариш суръатларининг тушиб кетиши ва хўжалик алоқаларининг чекланишига;

- товар ва маҳсулотларнинг камёблигига;- ишлаб чиқариш жараёнига бўлган қизиқишнинг пасайиб кетишига;

- умуман олганда субъектлар ўртасидаги рақобат муҳитининг йўқолишига олиб келади.

Шу боис мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим жиҳати рақобат муҳитини яратиш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш ва товарлар рақобатбардошлигига кенг йўл очиб беришдан иборат.

Рақобатбардошлик - бу очиқ иқтисодий тизимнинг ҳар қандай иқтисодий субъектга қўядиган асосий талабидир. Рақобатбардош бўлиш бу товар ва хизматларнинг ташқи ёки ички бозорга мўлжалланганлигидан қатъий назар истеъмол, сифат ва баҳо кўрсаткичларини дунё стандартлари даражасига кўтаришдир.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг катталиги ва мамлакат даромадининг юқорилиги буларнинг барчаси миллий иқтисодиёт, унинг алоҳида корхоналари ўз рақобатчилари олдидаги устунлик даражасига боғлиқ ҳар бир мамлактнинг экспорт ва импорт ҳажми ва таркиби, савдо ва тўлов баланслари - умуман уларнинг дунё миқёсида тутган ўрни, алоҳида соҳа ва корхоналарнинг рақобатбардошлилик даражасига боғлиқ.

Корхоналарнинг рақобатчилар билан иқтисодий курашда устунликка эга бўлиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги иқтисодий шароитга, рақобатчилик афзалликларининг тўрт асосий белгиси: омил шароитлари (табiiй, меҳнат, технологик ва инвестицион ресурслар, инфратузилма ва ҳ.к)нинг жаҳон бозоридаги рақобатбардош, ёрдамчи соҳаларнинг мавжудлиги, соҳа маҳсулот ва хизматларига бўлган талаб шарт-шароитлари; корхонанинг стратегияси унинг ички бозоридаги рақобати таркиби ва мазмуни билан аниқланади.

Ўзбекистондаги бозор муносабатлари режали иқтисодиётнинг етмиш йиллик ҳукмронлигидан сўнг ва мамлакат ичидаги рақобатга умуман шароит яратмаган собиқ иттифоқнинг узоқ муддат давомида жаҳон иқтисодиётидан узилиб қолганлигидан кейин шакллана бошлади. Ўзбекистонда алоҳида бозор ва институтларнинг шаклланиши ҳамон тугагани йўқ. Ислохотларгача бўлган даврда мавжуд бўлган таркибий камчиликлар бугунги кунда ҳаммаълум қийинчиликларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли рақобатдаги афзалликлар ўтиш давридаги иқтисодиётнинг хусусиятларидан келиб чиқадиган, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ўз рақобатбардошлигини ошириш ва мустаҳкамлаш имкониятларига таъсир этувчи, ўзига хос кўринишга эга бўлиши лозим. Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар учун рақобатдаги афзалликлар манбаларини кенгайтириш учун Ўзбекистонда аввало хўжалик фаолияти учун зарур шарт шароит яратишга, талабнинг ўсишига, корхонанинг инвестицион ва инновацион фаоллигини I оширувчи мақбул шароит яратишга, илмий техник салоҳиятини сақлаб , қолишга, шунингдек таълим соҳасига молиявий эътиборни оширишга йўналтирилган сиёсат олиб бориш лозим.

Ўзбекистон Республикасида ўтиш давридаги катта миқдордаги солиқлар, юқори ставкали кредитлар, давлат томонидан ўзининг айрим бюджет мажбуриятларини бажармаслик ҳисобига амалга оширилган, асосан инфляциянинг суръатини маълум бир меъёردа ушлаш ва миллий валюта қадрини ушлаб туришга қаратилган сиёсат туфайли бугунги кунда айрим маҳаллий корхоналар айланма маблағлар масаласида маълум қийинчиликларга дуч келишмоқда, ишлаб чиқариш миқёсини кенгайтириш ватехник таъминотни янгилаш юзасидан имкониятлари чегараланган.

Ўтиш даврида давлат корхоналарини кенг миқёсда хусусийлаштириш жараёнида бозорда фаолият юритувчи субъектлар сонини кўпайтириш орқали рақобатни ривожлантириш учун шароитлар яратилади. Бу хусусийлаштириш монополиядан чиқариш жараёнлари билан уйғун ҳолда олиб борилган тақдирдагина амалга ошади. Монополиядан чиқариш корхоналар таркибидан алоҳида рақобатбардош бўлинмаларни

мустақил тузилмалар сифатида ажратиш орқали йирик корхоналарни бўлиб юборишни кўзда тутди.

Бунда шуни эътиборга олиш керакки, бир катор тармоқ ва тармоқчаларда хусусийлаштириш куйидаги сабабларга кўра самарали рақобатни ривожланишига сезиларли таъсир ўтказа олмаслиги мумкин:

- табиий монополиялар шароитида товарлар ишлаб чиқариш (сотиш)да рақобатнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги;

- баъзи ҳолларда хусусийлаштириш жараёнида рақобатбардош бўлмаган корхоналарнинг пайдо бўлиши ва пировард маҳсулотнинг қимматлашиб кетишига олиб келувчи корхона таркибидан бўлинмаларни ажратиш олишнинг самарали эмаслиги.

Бироқ, хусусийлаштиришнинг баъзи бир хусусиятлари унинг бошланғич палласида мулкдорлар синфини шакллантиришга, демак, рақобатнинг ривожланишига тўсқинлик қилди. Гап шундаки, хусусийлаштиришнинг биринчи босқичи давомида хусусийлаштирилаётган объектлар ходимлари ва уларнинг маъмурияти акцияларнинг асосий қисмини сотиб олиш бўйича устун ҳуқуққа эга бўлдилар. Натижада кўп рақобатли корхоналар устидан рақобатли қилиш кўп ҳолларда тадбиркорлик фаолияти кўникмаларига эга бўлмаган олдинги маъмурият кўлида қолди. Кўпинча меҳнат жамоалари корхонанинг маъмурият томонидан сотиб олинишига йўл қўйиб, унинг фаолиятига реал таъсир кўрсата олмадилар. Сўнги вақтга қадар мулкдорлар таркибида ташқи инвесторлар аҳамиятсиз даражада намоён бўлдилар.

Акциялар давлат улушининг мавжудлиги ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини давлат номидан бошқариш ҳуқуқига эга бўлган давлат вакилларининг кузатув кенгашларига киритилиши ўзгартирилган корхоналар фаолиятига давлат таъсирининг бутунлай тугатилишига йўл қўймайди.

Давлат корхоналарининг хусусийлаштирилиши уларнинг таркибий қайта тузилишини таъминлаши лозим. Бироқ амалда корхоналарнинг хусусийлаштириш жараёни орқали ўзгартирилиши фақат улар номининг расман алмаштирилишига, аслида эса акциядорлик жамиятлари, уюшмалар, бирлашмалар шаклидаги янги монопол тузилмаларнинг шаклланишига олиб келди. Шунинг учун Ўзбекистонда амалга оширилган хусусийлаштириш жорий иқтисодиётдаги яққаҳуқмронлик даражасини пасайтирилишига етарли меъерда имкон ярата олмади.

2.2. Рақобатни шакллантиришда иқтисодиётни эркинлаштириш ва таркибий қайта қуришнинг аҳамияти

Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш Президентимиз И. Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида таъкидланганидек, иқтисодиётни эркинлаштириш - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш жараёнлари орқали таъминланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин соғлом рақобат муҳити яратиш бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий, муҳим шартларидан эканлиги белгилаб қўйилган. Товар бозорларида соғлом рақобат муҳитининг мавжудлиги ишлаб чиқарувчиларни хўжалик юритишнинг самаралироқ усуллари ва янги технологияларни жорий этишга, товарларнинг сифатини ҳамда хизмат кўрсатиш даражаларини доимий равишда ошириб бориш йўллари излашга мажбур қилади, бу эса ўз навбатида нафақат алоҳида олинган корхонанинг, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг молиявий

барқарорлигини оширади. Шу билан биргаликда рақобат - истеъмолчиларга сифатли товарларни нисбатан арзон нархларда сотиб олиш имконини яратиб, уларнинг сотиб олиш қобилиятини янада оширади. Истеъмолчиларнинг сотиб олиш қобилияти қанчалик юқори бўлса, соғлом, жамият фаровонлиги ҳам шунча юқори бўлади. Шундай қилиб, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш иқтисодий эркинлаштиришнинг муҳим шартларидан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодий эркинлиги рақобат муҳити билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий эркинликнинг рақобат муҳитига таъсири орқали соғлом рақобат қоидаларининг нечоғлик амал қилаётганлигига баҳо бериш мумкин. Рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш нархлар эркинлигига, хусусий секторнинг иқтисодийдаги таъсирига, савдо валюта операцияларнинг эркинлик даражаси ва бошқа курсаткичларга боғлиқ.

2.1-жадвал. Иқтисодий эркинлаштириш ва рақобат муҳитини шакллантиришга таъсир этувчи кўрсаткичлар* (Қашқадарё вилояти мисолида)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд.сўм	1642,6	2054	2831,6	3731,9	4814,8	2337,3
<i>Ўсиш суръати утган йилга нисбатан</i>	%	106,8	110,0	111,7	108,2	103,8	103,7
Ялпи ҳудудий маҳсулотда соҳалар улуши:							
Саноат ишлаб чиқариш	%	31,7	34,1	33,5	35,4	40,7	218,82
Қурилиш	%	8,1	8,1	8,1	6,6	7	8
Қишлоқ хўжалиги	%	28,8	26,3	22,7	20	18,4	21
Савдо ва умумий овқатланиш	%	4,5	4,5	4,6	4,4	4,3	4,6
Бошқалар	%	19,3	21,3	24,2	25,0	17,6	17
Солиқлар	%	7,6	5,7	6,9	8,6	7,4	6,9
<i>Шу жумладан:</i>							
<i>Кичик бизнес</i>	%	44,3	45,9	50,9	52	55	213,18
<i>Хизматлар</i>	%	28,2	28,4	28,8	28,7	26,5	29,6
Аҳоли жон бошига ЯҲМ	минг сўм	673	820	1104	1441	1838,1	1957,5

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, хусусий секторнинг ЯХМ даги ҳиссасини ошаётганлиги, нархларнинг эркинлиги индекси ижобий томонга ўзгарганлиги рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш учун қулайликлар мавжудлигидан далолат беради. Лекин, савдо валюта операцияларининг эркинлик даражасини изоҳловчи индекс ўзгариши сабабли ҳолатининг мавжудлигини англатади. Шунинг учун, ҳали рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришга етарлича иқтисодий шароит яратилган деб бўлмайди.

Рақобат ресурслар, мулк, товар ва хизматларнинг олди-сотди жараёнида юзага чиқади.

2.2-жадвал. Иқтисодиётини эркинлаштириш ва рақобат муҳитини шакллантиришга таъсир этувчи нарх-наво кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Солиштирма нархларда	млрд.сўм	1838,4	2225,3	2959,7	4365,9	4400,2	2114,6
<i>Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан</i>	%	107,9	114,3	118,9	116,6	97,6	94,435
Халқ истеъмоли моллари							
амалдаги нархларда	млрд.сўм	142,4	196,1	254,1	283,2	342,5	684,96
<i>Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан</i>	%	116,7	115,9	117,3	111,5	111,1	97,719

Рақобат бозорлар мавжудлиги, уларнинг амал қилиши даражасига боғлиқ бўлади. Савдо-сотик муносабатлари чекланган шароитда соғлом рақобат муҳити бўлиши мумкин эмас. Ҳозирги вазиятдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон бозорларида соғлом рақобат муҳитини барпо этишдаги муаммолар қуйидагилардан иборат:

- давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг кучлилиги;
- тармоқлар тузилишидаги номувофиқликлар ва ишлаб чиқаришда юқори технологияларнинг етишмаслиги;
- соҳа ва тармоқлар миқёсидаги рақобатда адолат мезонларининг бузилиши;
- мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги суистеъмолликлари;
- нарх белгилашда монопол мавқенинг сақланиб қолиши, хусусан иқтисодиётнинг аграр ва индустриал секторида нархларнинг кескин фарқланиши;
- контрабанда йўли билан мамалакатга товарларнинг кириб келиши;
- фаолият турини ва даромадларни яшириш ҳолларининг мавжудлиги;
- соғлом пул муомаласи учун ҳозирги шароитдан келиб чиқадиган бозор инфратузилмасининг етарли эмаслиги;
- миллий валютани хориж валюталарига эркин алмаштириш шкониётларининг чекланганлиги;

- субъектларнинг бозор иқтисодиёти қоидаларини чуқур тушуниб етмаганликлари;

- иқтисодий жиноятчилик ҳолатларининг мавжудлиги.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш уларнинг бир-бирига таъсирини аниқлаш ва қайси муаммони биринчилардан бўлиб ҳал этиш муҳим жанлигини белгилаб олиш зарур. Ўзбекистонда рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш борасида долзарб муаммолардан биринчиси нарх белгилашда монопол мавқенинг сақланиб қолиши ҳисобланади. Хусусан иқтисодиётнинг аграр ва индустриал секторида нархларнинг кескин фарқланиши бўлса, иккинчиси соҳа ва тармоқларнинг рақобат куришида тенг иштироки учун тўсиқлар мавжудлиги деб ҳисоблаш мумкин. Муаммолар кўламини аниқлаш масаланинг бир томони бўлса, асосий жиҳат мавжуд муаммоларни қандай йўл билан ҳал этишга келиб тақалади.

Биринчи муаммони ҳал этишнинг дастлабки йўналиши аграр соҳада нархларни янада эркинлаштириш, харид нархларни бозор талаби доирасида шакллантириш, хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларни эркин сотиш кўламини янада кенгайтириш талаб этилди. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи саноат маҳсулоти нархига анча яқин, хатто моддий манфаатдорликни кучайтириш билан бирга, эркин бозор учун ишлаш кўникмаларининг ҳам ортиб боришига олиб келади. Натижада соғлом рақобат муҳитини яратиш учун объектив иқтисодий шарт-шароитлар қарор топади.

2.3-жадвал. Иқтисодиётини эркинлаштириш ва рақобат муҳитини шакллантиришга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таъсир этувчи нарх- наво кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Қишлоқ хўжалик ялли маҳсулоти	млрд.сўм	670,6	795,6	949,9	1081,3	1329,8	1309,5
Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан	%	100,8	108,7	106,4	103,4	107,1	
Фермерлар улуши	%	43,6	40,8	35,6	40,6	41,9	1132,5
шу жумладан, Дехқончилик маҳсулотлари	млрд.сўм	384,0	421,4	482,1	560,6	709,7	2245,9
чорвачилик маҳсулотлари	млрд.сўм	286,6	374,2	467,8	520,7	620,1	1165,6
Кичик бизнес корхоналари	сони	69845	74024	74865	78552	74950	574,59
Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан	%	120,6	106,0	101,1	104,9	95,4	87,363
Кичик бизнес субъектларида							

ишловчилар сони	МИНГ КИШИ	775	778	780	785	725,7	100,28
Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилган махсулотлар ҳажми	млрд.сўм	131,6	177,9	491,0	575,0		0

Иккинчи муаммони ҳал этишнинг муҳим йўлларида бири, мулк шаклидан қатъий назар, турли соҳа ва тармоқлар таркибидаги хўжалик субъектларининг бир-бирлари билан олди-сотди муносабатларини бозор талаби доирасида эркин амалга оширишни, яъни савдо эркинлигини янада эркинлаштиришни ва бунга тўсқинлик қилувчи турли чекловларни олиб ташлашни талаб этади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш муаммосидан кўра сотиш муаммоси биринчи поғонада туради. Демак, савдо-сотикнинг авж олиши даромадни қистиришга бўлган интилиши кучайтириб, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига туртки бўлади.

Бизнингча, дастлаб юқорида ажратиб олинган иккита муаммонинг ҳал этилиши рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади, эркин бозор муносабатларининг ривожини учун шарт-шароитлар яратиб беради. Субъектларнинг даромад топишга бўлган қизиқишни кучайтириб юқори фойда олиш манфаатини оширади. Натижада рақобат иштирокчилари иқтисодий фаол субъектларга айланади. Шунинг учун рақобат бозор иқтисодининг асосий қонуни сифатида иқтисодиётни қарактлантирувчи кучи бўлиб қолади.

Буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатларда давлатнинг нарх соҳасидаги сиёсати кўп жиҳатдан нархларни эркинлаштириш, миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштиришга қаратилади.

Нархларни эркинлаштириш - иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ислохотларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари кўп жиҳатдан шу муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ бўлади.

Нархларни эркинлаштириш хом-ашё билан маҳсулот айрим турларининг нархлари, нарх билан аҳоли ва корхоналар даромадлари /тасида мутаносибликка эришишга қандай ёндашилиши билан фарқланади. Шу ёндашувларга асосланиб, нархлар қуйидаги йўллар билан эркинлаштирил ади:

- а) нархларни бирданига, ёки "эсанкиратадиган" тарзда қўйиб юбориш;
- б) нархларни сунъий равишда тўхтатиб қўйиш;
- в) нархни давлат томонидан бошқариш ва назорат қилишни маълум даражада сақлаб қолиш.

2.3. Иқтисодий эркинлаштириш саноатни ривожлантиришнинг тамойиллари

Узбекистонда иқтисодий ислох қилишнинг ўзига хос тамойиллари, мамлакатдаги вазият ва аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, нархларни аста-секинлик билан ва босқичма-босқич эркинлаштириш йўли танлаб олинди. Шу йўл билан нархларни эркинлаштиришнинг дастлабки босқичида (1992 йилнинг бошида) кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг эркин нархлари ва тарифларига ўтилди. Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва **саноат** товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди, айрим турдаги хизматларнинг энг юқори тарифлари жорий қилинди.

2.3.1-жадвал

Вилоятда Саноатни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида

Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил 9 ойлик
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	млрд сўм	2225,3	3049,1	4085,7	2810,1
Ўсиш суръати	%	114,3	118,9	116,5	98,8
Янгидан ташкил этилган саноат корхонаси	сони	112,0	178	281	509
Киритилган инвестиция	млрд сўм	4,6	4,9	6,6	212,7
Модернизация	сони	53,0	70	93	65
Киритилган инвестиция	млрд сўм	56,2	164,6	79,9	5,4
1.Ёқилғи-энергетика тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	1798,9	2504,8	3463,2	2325,8
Ўсиш суръати	%	115,8	120,5	118,2	96,7
Модернизация	сони	2,0	2	2	1
Киритилган инвестиция	млрд сўм	50,9	156,4	71,0	0,6
2.Кимё саноати тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	1,3	1,6	1,6	9,5
Ўсиш суръати	%	103,5	104,1	102,3	5,8 марта
Янгидан ташкил этилган саноат корхонаси	сони	3	5	6	7
Киритилган инвестиция	млрд сўм	0,20	0,25	0,35	200,9

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштиришнинг аҳамиятини шундай ифодалаш мумкинки, бу жараёнсиз рақобатни ривожлантириш бўйича барча ҳатти-ҳаракатлар кўзланган натижага эришиш имконини бермайди.

Республика бозорларида рақобат ҳолатига ташқи иқтисодий фаолият катта таъсир кўрсатади. Бу соҳани эркинлаштириш бўйича маълум чора-тадбирлар амалга оширилганлигига қарамай, ҳали ҳам аҳамиятли даражада тартибга солинган ҳолатда қолмоқда. Экспортни квоталаш ташқи бозорларга чиқишдаги корхоналар ўртасидаги рақобатни чеклаб қўймоқда. Қатор позициялар бўйича импорт пошлиналарининг юқори ставкалари ўрнатилиши муносабати билан кўплаб тўсиқлар сақланиб қолмоқда. Бу эса мазкур позициялар бўйича импортнинг бўлмаслигига олиб келмоқда, бунинг оқибатида эса рақобат муҳитининг шаклланиши секинлашмоқда.

2.3.2-жадвал

Республика бозорларида рақобат ҳолатига ташқи иқтисодий фаолият таъсири (Қашқадарё вилояти мисолида)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Ташқи савдо айланмаси	млн. АКШ долл	409,4	725,1	1638,8	2734,1	432	373,7
шу жумладан:							
Экспорт	млн. АКШ долл	273,8	553,8	1274,5	2362,8	337,6	329,69
Импорт	млн. АКШ долл	135,5	171,3	364,3	371,2	94,4	709,77
Ижобий колдик	млн. АКШ долл	138,3	382,6	910,2	1991,6	243,2	272,95
Кўшма корхоналар	сони	57	61	64	64	56	109,8

Замонавий бозорда муваффақиятли амал қилишнинг муҳим шарт-шароитларидан бири - валюта ресурсларидан фойдаланиш имкониятидир.

Ҳозирги вақтда конвертация бўйича устуворлик экспортга йўналтирилган ҳамда импортнинг ўрнини босувчи ишлаб чиқаришда банд бўлган нисбатан йирик корхоналарга, алоҳида кўшма корхоналарга берилмоқдаки, бу ҳолат уларнинг устунлигини аҳамиятли даражада оширмоқда. Кўплаб янги ташкил этилган, айниқса ўрта ва кичик корхоналар конвертация қилиш, демак, арзон импорт хом ашёсидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар. Бу эса улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг нархини ошириб, Айти пайтда рақобатбардошлигини пасайтиради. Бунинг устига, республикада зарур хом ашёнинг йўқлиги шароитида кўплаб хўжалик

субъектларининг валюта ресурсларидан фойдаланишининг қийинлиги уларни ўз ишлаб чиқариш фаолиятини қисқартириши ёки бозордан чиқиб кетишига мажбур қилади. Шунга кўра, валюта бозорининг эркинлаштирилиши йирик корхоналар яккахукмронлигига тўсқинлик қилиш ва рақобатни ривожлантиришга хизмат қилади.

Лицензиялашга ноҳалол рақобатдан ҳимоялашнинг усулларидан бири фатида қараш мумкин. Бироқ, лицензия олишнинг мураккаблаштирилган тартиби (талаб этиладиган ҳужжат ва маълумотномаларнинг катта ҳажми), шунингдек, лицензия йиғимларининг юқори ставкалари бозорга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг кириб келишига тўсқинлик қилади. Лицензия беришнинг мураккаб таомилининг белгиланиши фақат шу иш оилан шуғулланувчи ҳамда қўшимча талабларни ўрнатовчи махсус бўлинмаларнинг (масалан, «Ўзавтолицензия») ташкил этилишига олиб келди. Шунга кўра, «Лицензиялаш тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш бўйича эҳтиёж етилди. Мазкур қонуннинг қуйидаги тамойиллар асосида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир:

- лицензияланувчи фаолият турлари доирасини қисқартириш;
- лицензиялашдан кейинги самарали назоратнинг таъминланиши;
- лицензия учун энг кам тўлов миқдорининг ўрнатилиши;
- тегишли органлар ваколатининг белгилаб берилиши.

Юқори инфляция даражаси ҳамда корхоналарнинг молиявий жиҳатдан барқарор эмаслиги яккахукмронликдан чиқариш жараёнларига, ишлаб чиқаришнинг юксалишига, рақобатнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва янги корхоналар учун, айниқса, бошланғич инвестициялар учун маблағларни қидириб топиш борасида қўшимча тўсиқлар ҳосил этади.

Инфляция шароитида, одатда, ишлаб чиқариш фаолиятига (айниқса, узоқ такрор ишлаб чиқариш цикли билан боғлиқ тармоқларга) нисбатан савдо ва молиявий операциялар даромадлигининг устунроқ ўсиши кузатилади. Натижада энг аввало қисқа муддатли кредитлар билан иш кўрувчи савдо-воситачилик ва молиявий тузилмалар объектив равишда кредит ресурсларини жалб этиш ҳамда улардан самарали фойдаланишда нисбатан кенгроқ имкониятга эга бўладилар. Шунинг учун инфляцияни пасайтирмасдан ва молиявий барқарорликка эришмасдан тўлақонли рақобат муҳитини яратиш мумкин эмас.

Монополиядан чиқариш иқтисодиётда маълум таркибий қайта тузиш ишларининг олиб борилишини тақозо этади. Жумладан, таркибий қайта тузишнинг қуйидаги турларини амалга ошириш рақобатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади:

- хусусийлаштириш орқали капитални таркибий қайта тузиш;
- иқтисодиётнинг нодавлат секторини ривожлантириш орқали уни институционал жиҳатдан қайта тузиш;
- ишлаб чиқаришни конверсиялаш, йўналишини қайта ўзгартириш натижасида саноат ва унинг тармоқларики таркибий қайта тузиш;
- хўжалик юритиш ва бошқарувнинг макро- ва микродаражадаги ташкилий тузилмаларини, шакл ва усулларини қайта тузиш.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги — бу иқтисодиёт муҳим кўрсаткичларининг муҳим параметрларга нисбатан ҳолатини комплекс баҳолашни ўз ичига олувчи таққослама тавсиф бўлиб, бу орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги халқаро рақобатда намоён бўлади.

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг ўзгариши ЯИМ ўсиш суръати, меҳнат унумдорлиги, иш ҳақининг ўсиш суръати, мамлакатдаги инвестициялар умумий ҳажмида хорижий инвестицияларнинг улуши, маориф, фан, НИОКР га бўлган сарф-

харажатларнинг ЯИМдаги фоизи, хом ашё ва меҳнат сиғими юқори бўлган тармоқлар, капитал сиғими юқори бўлган тармоқлар, юқори технология тармоқларининг мамлакат экспортидаги улуши, жаҳон экспортидаги улуш ва ҳ.к.

Шу билан бирга, халқаро рақобат нафақат ташқи бозорларга, балки миллий ишлаб чиқарувчилар ўз мамлакатлари ичида хорижий ишлаб чиқарувчилар билан рақобатга киришувчи очиқ иқтисодий мамлакатлар ички бозорига ҳам бир хилда тааллуқли ҳисобланади.

Агар мамлакатдаги барча ресурслар, ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари, капитал, ақлий салоҳият ва ишчи кучи ўта даражада самарали фойдаланилаётган бўлса, бу мамлакат иқтисодий рақобатбардош бўлади. Фақат ўсиб боровчи унумдорлик иқтисодий ўсиш самарадорлигининг асосий мезони ҳисобланувчи мамлакатдаги турмуш даражасининг ошишини таъминлаши мумкин. У ёки бу мамлакат иқтисодий ҳолатининг асосий мезони бўлиб аҳоли турмуш даражасини тавсифловчи ЯИМнинг аҳоли ўртача жон бошига тўғри келувчи кўрсаткичи ҳисобланади.

Мамлакатларнинг рақобат позициялари шунингдек жаҳон бозоридаги экспансия даражаси билан ҳам тавсифланади ва бу борада рақобатбардошликнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб мамлакат экспорт ҳажми ҳисобланади. Масалан, жаҳон ЯИМда ЯИМ улуши 0,39%га тенг бўлган Гонконгнинг экспорти 3,7%ни, Сингапурда 0,24% ва 2%ни, Жанубий Кореяда 1,43% ва 2,2%ни ташкил этади. Бундай манзара кўплаб янги индустриал мамлакатлар иқтисодийнинг экспортга йўналтирилганлиги билан белгиланади.

Иқтисодийнинг рақобатбардошлиги кўп даражали шаклларда намоён бўлади:

- товарнинг рақобатбардошлиги;
- товар ишлаб чиқарувчининг рақобатбардошлиги;
- тармоқ рақобатбардошлиги;
- мамлакат рақобатбардошлиги.

Мазкур барча рақобатбардошлик даражалари ўртасида етарли даражада мустаҳкам ички ва ташқи ўзаро боғлиқлик мавжуд. Мамлакат ва тармоқ рақобатбардошлиги пировард натижада муайян товар ишлаб чиқарувчининг рақобатбардош товар ишлаб чиқариш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Товарнинг рақобатбардошлиги деганда унинг ҳам ички, ҳам ташқи бозордаги муваффақиятини белгилаб берувчи истеъмол, нарх ва сифат жиҳатидан комплекс тавсифлари тушунилади.

Товарнинг рақобатбардошлиги бевосита турли омилларга боғлиқ бўлади. Улар орасида маҳсулотнинг нархи ва сифатига таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш харажатлари, меҳнат унумдорлиги ва интенсивлиги бирламчи аҳамият касб этади. Республика халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш харажатлари ривожланган мамлакатларга қараганда 2-5 марта юқори бўлган. Индустриал ривожланган мамлакатлар билан таққослаганда республикадаги саноат ишлаб чиқариши кўпроқ материал, металл ва энергия сиғими эга.

Ишлаб чиқариш материал омилларининг бундай қиммат шароитида мамлакатимиз саноати маҳсулотларининг ташқи бозордаги нарх бўйича рақобатбардошлигидан фойдаланишга умид қилиш қийин.

Шу билан бир вақтда, республикада яқка тартибдаги иш ҳақининг ўртача даражаси саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан аҳамиятли даражада (тармоқлар бўйича олганда 30 ва ундан кўп марта) паст.

Жаҳон бозоридаги товар рақобатбардошлигини белгиловчи кўрсаткичлардан бири бўлиб меҳнат унумдорлиги ҳисобланади, чунки айнан ишлаб чиқариш жараёнида

рақобатнинг моддий асослари таркиб топиб, улар бозорда таққослама нарх ва фойдалилик даражаси орқали намоён бўлади.

Республика саноатидаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ҳозирги вақтда нафақат барча саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлар ва янги индустриал давлатлардан, балки кўплаб ривожланаётган мамлакатлар -Эрон, Тайланд, Миср, Омон ва бошқалардан ҳам паст. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги янада пастроқдир. Республика қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир кишига ҳисоблаганда қўшилган қиймат даражаси бўйича ривожланган мамлакатлардан 40 ва ундан кўп баравар ортда қолмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳон рақобатбардошлиги бўйича биринчи ўринга нобаҳовий омиллар чиқмоқда. Улар орасида товарнинг сифати, унинг янгилиги, илмийлик ва интеллектуаллик даражаси муҳим ўрин тутмоқда.

Бироқ, республиканинг кўплаб саноат товарлари сифат кўрсаткичи бўйича саноат жиҳатидан ривожланган, янги индустриал ва ривожланаётган мамлакатлардан ортда қолмоқда. Шу муносабат билан ўзбек экспортларининг жаҳон бозоридаги рақобат курашидаги асосий устун жиҳатлари бўлиб нарх тавсифлари қолмоқда.

Ҳозирда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ўзларининг товар бўйича рақобатбардошлиklarини оширишни инновациялардан фойдаланиш, илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантирмай туриб яратиш мумкин бўлмаган юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш ҳисобига таъминланмоқда. Мазкур жараёнларнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб инновация учун сарфлар ҳисобланади. Мазкур кўрсаткич мамлакатнинг инновацион фаолиятга бўлган лаёқатини акс эттиради ҳамда, НИОКРга бўлган сарфлар миқдоридан ташқари, дизайн ва маркетинг сарфларни, илмий соҳадаги банд бўлганлар сонини, мамлакат ичида ва хорижда олинган патентлар сонини, таълим муҳитининг ривожланганлигини ҳам ҳисобга олади.

Жаҳон табелида рақобатбардошлик рейтингини аниқлаш учун кўп омилли моделдан фойдаланилади. Унда 381та кўрсаткич қўлланилади. Бу кўрсаткичлар 8та умумлаштирилган омилларга гуруҳланган:

- 1) ички иқтисодий салоҳият;
- 2) ташқи иқтисодий алоқалар;
- 3) давлат томонидан тартибга солиш;
- 4) кредит-молия тизими;
- 5) инфратузилма;
- 6) бошқарув тизими;
- 7) илмий-техникавий салоҳият;
- 8) меҳнат ресурслари.

Афсуски, Ўзбекистон рақобатбардош мамлакатлар рўйхатига шритилмаган. Бу рўйхатда кейинги йилларда Сингапур ва Гонконг етакчилик қилмоқда. Хитой Европадаги барча собиқ социалистик мамлакатларини ортда қолдириб, 34-ўринда бормоқда. Россия 2000 йилда 50-ўринни эгаллаган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш даврида соғлом рақобатни шакллантириш иқтисодиётни ҳар томонлама эркинлаштириш, унинг таркибини самарали тарзда қайта тузиш орқали таъминланиши мумкин. Бу эса мазкур жараёнларни изчил ва асосли тарзда ишлаб чиқилган давлат дастурлари асосида олиб борилишини тақозо этади.

3-БОБ. РАҚОБАТ ВА МОНОПОЛИЯЛАР НИСБАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ

3.1. Рақобат ва монополиялар нисбатини тартибга солишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда мустақилликнинг ластлабки давридаёқ монополияга қарши ва рақобат сиёсатининг ҳуқуқий меъёрий базасини яратиш вазифаси белгилаб олинди. Қонунчиликни шакллантиришнинг асосий пойдевори-республика иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиш давридаги ҳолати қамда ушбу соҳада чет мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган ва 1992 йилнинг июнь ойида қабул қилинган «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонун ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожлантиришда амалга оширилаётган ўзгаришлар, монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантиришнинг ўта долзарб вазифаларидан эканлиги, янги Фуқоролик кодексининг қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш кўмитасининг ташкил қилиниши мамлакат монополияга қарши қонунчиликни янада такомиллантириш заруриятини юзага келтирди.

Шу нуқтаий назардан, буларнинг барчаси Олий Мажлис томонидан 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги янги қонуннинг қабул қилинишига асосий туртки бўлди.

Ушбу қонунда асосан иккита муҳим йўналишлар, яъни биринчидан, монополияга қарши тартибга солишнинг принциплари янги кўриниши бўлиб, у мавжуд ва сақланиб қолган монополистлар томонидан бозорда ҳуқумронлик мавқеини суистеъмол қилишнинг олдини олиш ва унга барҳам беришни кўзда тутса, иккинчидан, энг асосий муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланган монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш эканлиги белгилаб қўйилган.

1999 йилнинг декабр ойида ушбу қонунга ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги қонуни монополистик фаолияти ва фирром рақобатни олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари белгилаб беради ва республиканинг товар бозорларида рақобат муносабатларини шакллантириш ва самарали амал қилишга қаратилган.

1997 йилнинг апрел ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонуни Республикада табиий монополияларга нисбатан давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради ва истеъмолчилар ва табиий монополия убаъктлари манфаатларини мувофиқлаштиришга қаратилгандир.

Табиий монополия тармоқлари одатда бошқа тармоқлар ва соҳалардаги товарлар ва хизматларнинг нархларига жиддий таъсир кўрсатадилар.

Шунинг учун табиий монополиялар соҳаларида нархларни шаклланишини маҳсулот ва хизматлар бирлигини таннархини пасайтириш, солиқларни оқилona ҳажмларини белгилаш, маҳсулот ва хизматларнинг нархлари ва тарифларини пасайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш устидан назоратини олиб бориш бозор иқтисодиёти шароитида долзарб масала ҳисобланади.

Ушбу қонунчиликка асосат республикада табиий монополияларга қўйидагилар киради: нефт, газ, кўмир қазиб чиқариш, электр ва иссиқлик энергиясини, газни ишлаб чиқариш ва узатиш, ҳамма учун қулай бўлган электр ва почта алоқаси, сув қувурлари ва канализация, аэропортлар, темир йўлда юк ташиш хизматлари киради. Улар фаолиятининг табиий, технологик ва иқтисодий шароитларидан келиб чиққан ҳолда

уларда монополизм элементларининг мавжудлиги муқаррардир. Ушбу тамоқлар гуруҳлари бўйича 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган ва 1999 йил 19 августда янги таҳрири ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонун асосида давлат томонидан махсус тарзда тартибга солиш амалга оширилади.

2003 йилнинг 1 январь ҳолатига табиий монополия субъектлари Давлат реестрларига 278 та корхоналар 661 та маҳсулотлар ва 16 та хизмат турлари бўйича ҳисобга олинган.

Шуни таъкидлаш жоизки, газ ишлаб чиқариш, электроэнергетика, темир йўл транспорти ва алоқа каби тармоқларда амалга оширилаётган фаолиятнинг фақат маълум бир қисмлари ҳақиқатда табиий монополия субъектларига киради ва давлат томонидан тартибга солиниши керак. Фаолият юритишнинг бошқа турлари эса рақобат шароитларида ҳам самарали ҳаракатланиш мумкин.

Шу муносабат билан, табиий монополия субъектлари соҳасида олиб борилаётган ислохотлар уларни бозор шароитларига келтириш ва тегишли бозорларда рақобатни ривожлантириш учун қулайликларни яратиш каби масалаларни ечади.

Шундай экан, монополияга қарши тартибга солиш соҳаси доимий равишда монополизмга барҳам бериш, соғлом рақобатнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий базасини қуйидаги йўналишларда такомиллаштириб бориш зарур:

- монополияга қарши тартибга солиш соҳасида прогрессив халқаро тажрибаларни жорий этиш;

- рақобат муҳити шакиллангандан кейин уни ҳимоя қилишга ўтиш;

- бошқарув органлари томонидан рақобатга қарши ҳаракатларни амалга оширмаслик юзасидан доимий назорат даражасини кучайтириш;

- молия бозорлари субъектларининг рақобатини чеклаши мумкин | бўлган турли хил ҳаракатлари устидан назоратни ўрнатиш бўйича қонуний ! чора-тадбирларни кўриш;

- монополист-корхоналар томонидан белгиланадиган нархларни декларация қилиш усулида уларни кузатиш усулига ўтиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган монополияга қарши сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири - бу монополист-корхоналарнинг товар бозоридаги эгаллаб турган устунлик мавқеини суистеъмол қилишнинг шдини олиш ва унга йўл қўймаслик бўйича назорат олиб боришдан (боратдир.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз устунлик мавқеидан фойдаланиб, ҳар хил қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида монополист-корхоналар Давлат реестри юритилади. Ушбу реестрлар маълум бир товар бозорида 65 фоиздан ортиқ улушга эга бўлган корхоналар киритилади. Реестрга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ўз маҳсулотларининг нарх (тариф) лари ёки рентабеллик даражаларини Молия вазирлигида ёки жойлардаги молия органларида декларациядан ўтказишлари шарт.

Бугунги кунда бозор муносабатларининг ривожланиши, кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари ҳамда чет эл инвестицияларининг кириб келиши натижасида барпо этилаётган корхоналар салмоғининг ошиши ва бошқа омиллар таъсирида кўпгина монополист корхоналарнинг товар бозорларидаги улушининг камайиши муносабати билан Давлат реестридан чиқарилмоқда.

Кўмита томонидан декларация қилинган нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришда турли хил ноқонуний шартларни, шунингдек бозорга кириш учун тўсиқлар кўйиш каби ҳолатларга йўл

қўймаслик юзасидан назорат амалга оширилади (3.1.1-жадвал). Масалан, 2002 йилда 906 та корхона ва ташкилотларда текширишлар ўтказилиб, улардан 643 (70,9 фоиз) тасида турли хилдаги қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ноқонуний олинган маблағлар (жаримаси билан) 5167,2 млн. сўм ташкил этди. Ушбу сумманинг 585,2 млн. сўми қишлоқ хўжалик корхоналарига қайтарилди.

3.1.1 -жадвал. Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши органи томонидан иқтисодий концентрацияларни назорат қилиш амалиёти

	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Акциялар олди-сотдисининг қонунчиликлари мувофиқ тушириш бўйича инвентаризация қилинган битимлар сони	2389	3195	3714	9154
Монополияга қарши органининг рухсатсиз рўйхатга олинган битимлар сони	73	54	0	7
Хўжалик юритувчи субъект акциясининг 35% қўроғини сотиб олиш бўйича кўриб чиқилган муносабатлар сони	83	77	58	96
Берилган розиликлар сони	76	71	54	74
Шу жумладан %да	91,8	92,2	93,1	77,1
Бирлаштирилган бўйича кўриб чиқилган материаллар сони	10	16	7	12
Тугатишлар бўйича кўриб чиқилган материаллар сони	133	74	97	106
Алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга ажралиб чиқиш бўйича кўриб чиқилган материаллар сони	18	2	1	0
Компаниялар, шу жумладан, холдингларни ташкил этиш бўйича кўриб чиқилган материаллар сони	4	3	4	2

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сонли «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарори билан тасдиқланган «Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартиби»га 2002 йилнинг июнь ойида киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар натижасида, қишлоқ хўжалиги корхоналарига сотилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар бўйича нарх соҳасида ҳисоб-китоблар тартиби бузилиши оқибатида олинган ортиқча маблағлар энди уларнинг ўзларига қайтарилади.

Товар бозорларида рақобатни ривожлантириш шарт-шароитларини яратишдаги асосий дастаклардан бири бўлиб рақобат йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган монополияга қарши қонунчилик ҳисобланади.

Ўзбекистон товар бозорларида рақобатни ривожлантиришга йўналтирилган биринчи меъёрий ҳужжат бўлиб 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва монополияга қарши амалиёт соҳасидаги аҳамиятли ўзгаришлар тегишли қонунчилик базасини такомиллаштириш заруриятини тақозо этди. Шунга кўра,

1996 йилнинг 27 декабрида янги - «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуни қўйишга киритилди.

Мазкур қонун монополияларнинг амал қилишни тақиқламай, балки бозорда унинг ҳукмронлиги оқибатида келиб чиқувчи салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган. Қонунда кўзда тутилган тақиқлар ҳам ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари учун, ҳам Ўзбекистон ва бошқа ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари учун хос бўлган монополистлар ҳатти-ҳаракатига қарши ўрнатилган.

Қуйидаги ҳатти-ҳаракатлар монополияга қарши қонунчиликка зид ҳисобланади:

- хўжалик юритувчи субъект томонидан бозордаги устунлик ҳолатининг суистеъмол қилиниши;

- хўжалик субъектларининг рақобатни чеклашга қаратилган битимлари (ўзаро келишилган ҳатти-ҳаракатлари);

- бошқарув барча даражаларидаги ҳокимият органларининг рақобатни чеклашга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлари;

- ноҳалол рақобат.

Монополистик фаолият устидан назорат ўрнатиш учун монополист-корхоналар Давлат реестри жорий этилди. 1999 йилнинг 1 октябр ҳолатига реестрда 716 хўжалик юритувчи субъект 1924 турдаги маҳсулот, иш, хизмат бўйича рўйхатга олинди. Мазкур корхоналар фақат алоҳида хўжалик юритувчи субъект бозоридаги товарларнинг улуши миқдорий кўрсаткичи бўйича монополист корхоналар таркибига киритилган. Бу ўринда бозорнинг сифат жиҳатидан таркиби, хусусан, рақобат муҳитини ярата олишга лаёқатли бўлган ўрнини босувчи маҳсулотларнинг мавжудлиги ҳисобга олинмайди. Бундай ёндошувни тўғри деб ҳисоблаш мумкин эмас. Шунга кўра, қонунда товар бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг мезонларини янада аниқроқ белгилаб, уларни монополистлар тоифасига киритишда ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичларидан фойдаланиш зарур.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳолда товар бозоридаги монополистларни назорат қилишнинг нисбатан аҳамиятли шаклларида бири бўлиб нархларнинг давлат томонидан тартибга солиниши ҳисобланади. Жаҳон амалиётида нархларнинг давлат томонидан тартибга солиниши табиий монополиялар учун хосдир. Табиий монополияларнинг мавжудлиги шароитида давлат ишлаб чиқариш харажатларини тартибга солиш ёки нархнинг энг юқори даражасини белгилаш орқали бозор механизми ҳаракати воситасида таъминланувчи самарага сунъий йўл билан эришишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистонда УзР ВМнинг 1997 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ молиявий идораларга эркин нархларнинг юқори чегараси ёки рентабеллик даражаси борасида декларация топшириш орқали барча монополист-корхоналарнинг маҳсулот (товар, хизмат)ларига бўлган нархларни давлат томонидан тартибга солиш қўлланилмоқда.

Амалиётнинг кўрсатишича, чегаравий нархлар ва рентабеллик меъёрларини қўллаган ҳолда нархни ташкил этишни давлат томонидан тартибга солиниши кўпинча ижобий натижа бермайди, чунки у нархларни шакллантиришнинг бозор муносабатларини ҳисобга олмаган ҳолдаги харажат механизмига асосланади. Нархларни декларациялашнинг бюрократик таомилининг қўлланиши корхоналарнинг бозордаги нарх бўйича маневр қилиш имкониятини пасайтиради. Бунинг устига, монополист-корхоналар учун нархни ўрнатишда рақобатчиларнинг маҳсулотига таркиб топган нархлар ҳисобга олинмайди.

Кўплаб мутахассисларнинг фикрича, монопол юқори нархлар доимо қам давлатнинг аралашувини тақозо этмайди. Бундай нархлар ҳамда фойда олиш имконияти бозорда фаолият кўрсатаётган субъектларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, бошқаларининг эса бозорга кириб келишига рағбат яратади. Давлат фақат бозорга кириш учун тўсиқлар пайдо бўлган ҳолдагина аралашуви лозим.

Халқаро амалиёт ҳамда кенг миқёсда нархларни давлат томонидан тартибга солишнинг самарасизлигини ҳисобга олган ҳолда нархни ташкил этиш соҳасидаги монополияга қарши сиёсатнинг асосий йўналиши бўлиб корхоналарнинг маҳсулот ва хизматлари нархларини бевосита давлат томонидан тартибга солиш соҳасининг қисқартирилиши ҳисобланади. Нархларнинг умумий назоратидан уларнинг мониторингига ўтиш лозим. Тавсия этилаётган ёндошув молиявий идораларга нархларнинг чегаравий даражаси тўғрисида декларация топширишнинг бекор қилинишини кўзда тутаяди. Фақат нархларнинг кескин ошириб юборилиши ҳолати аниқланганда таркиб топган нархларнинг иқтисодий асосланганлиги таҳлил қилиниши зарур. Фақат монопол юқори нархлар белгиланган ҳолатларда монополист-корхоналар учун нархнинг мумкин бўлган чегарасини ўрнатиш лозим. Бизнинг фикримизча, тақлиф этилаётган механизм ҳозирги босқичда энг самарали ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонуни халқаро аналоглар асосида тузилган, бироқ, бу қонун амалга оширилаётган муҳит ривожланган мамлакатлар шароитидан тубдан фарқ қилиб, унинг бажарилишига таъсир кўрсатади. Қонунчиликнинг самарали ошарилишига ҳалақит берувчи нисбатан муҳим омил бўлиб идорачилик ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, ҳуқуқий шахсларнинг бирлашмалари (уюшмалар, ассоциациялар, концернлар ва ҳ.к.) учун ассоциациялашган субъектларнинг хўжалик фаолиятига аралашув тақиқланади. Бироқ, амалда ташкил этилган бирлашмалар, одатда илгари амал қилган тармоқ вазирликларининг давомчилари бўлиб, ҳозирги вақтда уларга хом ашё ресурсларини, марказлаштирилган капитал қўйилмаларни тақсимлаш, маҳсулотларни сотиш ва бошқа вазифаларнинг юклатилиши кўпинча рақобат муҳитининг ривожланишини секинлаштириб қолмай, балки уларнинг яратилишига тўсқинлик ҳам қилмоқда. Уларнинг амал қилиши кичик ва ўрта бизнеснинг хом ашё ресурсларига, валюта маблағларига бўлган имкониятини чеклаш орқали тўсиқлар қўйиши жиддий салбий ҳолат ҳисобланади.

Таркиб топган шароитда амал қилаётган бирлашмаларни таркибий қайта тузиш монополияларни чеклаш ва рақобатни ривожлантиришнинг зарур шароитларидан бири ҳисобланади. Бундай бирлашмаларнинг вазифаси бўлиб маркетинг хизматлари билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ишланмаларини амалга ошириш, уларнинг амалиётга татбиқ этилишига кўмаклашиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда амал қилаётган монополияга қарши қонунчиликнинг яна оир муаммоси — давлат монополияга қарши органига қонунчиликни бузганлик учун иқтисодий санкция қўллаш ҳуқуқининг берилишидир. Чунки халқаро амалиётда бу каби масалалар суд ажримлари орқали ҳал этилади. Республикада монополияга қарши қонунчиликка амал қилиш масалаларини кўриб чиқишда суд амалиётининг ривожлантирилиши хўжалик субъектларининг масъулиятларини оширади.

Ўзбекистонда яратилган рақобат сиёсатини олиб бориш тизими ўз ичига қонунлар ва қонуности ҳужжатларни, уни амалга ошириш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун масъул бўлган махсус муассасаларни, шунингдек, мазкур сиёсатни амалга ошириш механизмларини ўз ичига олади. Бироқ, мазкур соҳадаги маълум

муваффақиятларга қарамай, рақобат сиёсатини амалга ошириш мақсад ва усуллари уни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Бу, энг аввало, глобаллашув миқёслари ва таъсир кучларининг ўсиши билан шартланган бўлиб, бунинг натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш учун шароит яратиш тақозо этилади.

Айниқса, Ўзбекистонда 2003 йилда жорий операциялар ҳисоби бўйича эркин конвертация киритилган бўлиб, бу ички бозордаги миллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни кучайтиради.

Бундан ташқари, шуни тан олиш керакки, республикада рақобатни ривожлантириш борасида ўтказилаётган сиёсат етарли даражада таъсирчан эмас.

Бозор иқтисодиёти тарихи - бу кўп жиҳатдан монополизмнинг салбий оқибатларига қарши кураш тарихини намоён этади. Назариёт ва амалиёт шуни кўрсатадики, монополизм қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаради:

- истеъмолчилар монополист фирмаларнинг маҳсулотлари учун рақобатли бозордаги шунга ўхшаш маҳсулотлар нархига нисбатан тўлаши юзим бўлган *ўта юқори нархлар*;

- юқори нархларни ушлаб туриш учун турли тармоқлар ўртасида ресурсларнинг самарасиз тақсимланишига, улардан монополиялаштирилган тармоқларда етарли даражада фойдаланмасликка олиб келувчи товар ва хизматларнинг алоҳида турларини *ишлаб чиқаришни сунъий равишда чеклаш*,

- *ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан ривожланмай қолиши*, маҳсулотнинг паст сифати.

Монополизм режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётга ўтишни амалга ошираётган мамлакатларда янада кўпроқ муаммоларни келтириб чиқаради. Бу Ўзбекистонга ҳам тааллуқли бўлиб, мамлакатимизда тарихий рбабларга кўра давлат тузилмаларига ўхшаш (уюшмалар, концернлар, шрпорациялар, компаниялар) шаклдаги монополиялар сақланиб қолган.

Улар кўпинча тармоқ вазирликлари мавқе ва вазифаларига эга бўладилар.

Маҳсулот ва хом ашёларнинг алоҳида турларини лимит ва фонд кўринишида тақсимлашнинг эскича тизими, шунингдек, бизнесни амалга ошириш учун рухсат, лицензия, сертификатлар бериш, келишиш каби мавжуд маъмурий тўсиқлар монополистик тенденцияларга кўпроқ имкон яратади.

Шунга кўра, Ўзбекистонда самарали рақобат муҳитини яратиш учун ; қуйидагилар бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тақозо этилади:

а) иқтисодиётда давлат монополизмининг ҳар қандай намоён бўлишини максимал даражада бартараф этиш. Бунинг учун тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизимини такомиллаштириш учун нисбатан қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган чуқур институционал ислоҳотлар зарур;

б) бозор шароитида вужудга келаётган монополияларнинг бозордаги ўз устунлик мавқеларини суистеъмол қилиш имкониятларининг олдини олиш. Давлат муассасалари рақобатнинг ривожланишини таъминлашлари лозим. Бусиз самарали инновациялар, паст харажатлар ва нархлар, маҳсулотнинг юқори сифатига эришиш, бошқача айтганда, бутун иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин эмас.

Рақобатни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш натижалари бўлиб иқтисодий агентлар фаолиятини тартибга солишда бозор механизмлари ролининг кучайиши, бозорга киришдаги маъмурий тўсиқларнинг бартараф этилиши, иқтисодиётнинг барча субъектлари учун рақобат шароитларининг шаклланиши ҳисобланиши лозим. Рақобатнинг ривожланишидаги муҳим стратегик мақсад -

истеъмолчи томонидан иқтисодий жиҳатдан мақбул нархларга барқарор равишда сифатли ижтимоий хизматларни олиш имкониятини яратишдан иборат.

Рақобат муҳитини ривожлантиришнинг кўплаб механизмлари мавжуд. Булар - хусусийлаштириш, тартибга солишдан қайтиш, монополиядан чиқариш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқалар. Улардан фойдаланиш мамлакатнинг тегишли бозорларидаги ҳолатга, иқтисодиётнинг яхлит ривожланиш даражасига, ички ва ташқи омилларнинг таъсирига боғлиқ. Ўзбекистонда қўлланилувчи усулларни кўриб чиқамиз.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва монополиядан чиқариш. Бу механизмлар бозорда амал қилувчи рақобатчилар сонини ошириш имконини беради. Амалиёт шуни кўрсатадики, хусусийлаштиришнинг рақобат муҳити шаклланишига таъсири йирик корхоналарнинг рақобатбардош бўлинмаларини мустақил тузилмаларга ажратиш орқали уларни йириклаштиришдан қайтаришни кўзда тутувчи демонополизация жараёни билан уйғунлашган ҳолдагина самарали бўлади.

Мазкур жараёнларни жадаллаштириш мақсадида 2003 йилнинг апрел ойида республика ҳукумати томонидан Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг 2003-2004 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилиниб, унга кўра икки йил мобайнида давлат мулкидаги корхоналарнинг 77% хусусийлаштирилиши лозим. Мазкур дастурни амалга ошириш натижасида корхоналарнинг устав капиталида давлатнинг иштироки кескин қисқаради, уларнинг инвестицион фаоллиги ошади, рақобат шароитлари яхшиланади.

Бу тадбирлар шу билан айниқса аҳамиятлики, хусусийлаштириш ҳанузгача кўплаб тармоқларда рақобат муҳитини яратишда аҳамиятли ўзгаришларга олиб келгани йўқ. Таркибий ўзгаришлар давомида олдинги тармоқ вазирликлари ўрнига тармоқ хўжалик бирлашмалари ташкил этилди. Бу хўжалик бирлашмаларига ҳукумат шундай кенг ваколатлар бердики, натижада улар давлат томонидан тартибга солиш функциясига эга бўлган «конуний» монополияларга айландилар. Бу саноатнинг деярли барча тармоқларига, туризм, табиий монополия соҳалари тегишли бўлиб, бу соҳаларда сақланиб қолган тармоқни тартибга солишнинг маъмурий усуллари самарали рақобат муҳитини яратиш учун жиддий тўсиққа айланди. *Самарали рақобатнинг вужудга келиши ҳамда бозорларга янги иштирокчиларнинг кириб келишидаги тўсиқларни бартараф этиш.* Буялиш тўсиқлар орқали хўжалик субъектларига товар бозорига кириш ҳамда у ерда оошқа корхоналар билан баравар равишда рақобатлашувга ҳалақит берувчи ҳуқуқий, ташкилий, технологик, иқтисодий, молиявий тавсифдаги барча миллар тушунилади.

Асосий эътиборни барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари фаолияти натижасида пайдо бўлувчи тўсиқлар (солиқ имтиёзи, субсидия ва жация, мутлоқ ҳуқуқларнинг тақдим этилиши кўринишида алоҳида .фкалик юритувчи субъектларга давлат ёрдами; корхоналар хўжалик фаолиятини тартибга солишнинг маъмурий усуллари кўллаш; стандартлаштириш ва сертификатлаш бўйича мураккаб нормативлар ва оошқалар)ни бартараф этишга қаратмоқ лозим. Масалан, бугунги кунда у ёки оу маҳсулотни ишлаб чиқаришга сертификат олиш таомили бир неча ойларни қамраб олиб, тегишли ҳужжатларни олиш юз мингдан бир неча миллион сўмга қадар (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ассортименти ва гурлари сонидан келиб чиққан ҳолда) тушиши мумкин.

Монополашган тармоқ корхоналари ва бошқарув тизимини таркибий ита тузиш. 1998-2002 йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан мазкур соҳа борасида бир қатор қарорлар қабул қилинган эди. Бироқ бошланган жараёнлар деярли ҳеч бир

тармоқда охирига етказилмади. Масалан, электр станцияларига ҳуқуқий шахс мавқеининг берилиши ҳали энергетикани монополиядан чиқарилишига олиб келгани йўқ, чунки алоҳида электр станцияларининг ишлаб чиқарилаётган электр энергияси таннархини пасайтиришдан манфаатдорлигининг ошишига имкон берувчи тармоқдаги молиявий оқимлар тизими алоҳидалашгани йўқ. Бу борада темир йўл транспорти соҳасида ҳам аҳамиятли ишлар амалга оширилмади. Турар жой-коммунал хўжалик тизимидаги монополиядан чиқариш хусусий коммунал хизматларни ривожлантириш бўйича тадбирлар билан мустаҳкамланмаяпти, шунга кўра кутилаётган натижа бермаяпти. Энг аввало, тармоқ монополияларига хўжалик бирлашмалари (уюшмалар, холдинглар, концернлар) тақчил моддий ресурсларни тақсимлаш бўйича ваколатга ҳамда корхоналар фаолиятига аралаштириш имконига эга бўлган соҳаларда барҳам берилиши керак.

Бошқарув ҳамда хўжалик фаолияти функцияларини ажратиш. Ўзбекистон шароитида бу рақобат муҳитини яратишнинг муҳим механизми ҳисобланади. Ислохотлар давомида фақат расман ўзгаришлар қилинган (масалан, вазирлик ёки идорани уюшма ёки концернга айлантирилган) иқтисодиётнинг бир қатор тармоқларида бу функцияларнинг алоҳида субъектлар томонидан қўшиб олиб борилиши давом этмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзбектуризм» МК ўз мавқеига кўра хўжалик юритувчи субъект ҳисоблансада, амалда тартибга солиш органлари бўлиб қолмоқдалар, бу эса манфаатларнинг тўқнашувини келтириб чиқармоқда. Улар режалаштириш, нарх, маркетинг сиёсати ва бошқа соҳалар орқали уюшма таркибидаги корхоналар фаолиятини аҳамиятли равишда назорат қиладилар. Жаҳон амалиётида сиёсатни ишлаб чиқиш, тартибга солиш, назорат қилиш ва хўжалик юритиш ваколатларини турли тузилмалар ўртасида тақсимланиши ўзининг нисбатан оптималлигини кўрсатди. Ҳозирги вақтда табиий монополияларнинг алоҳида тармоқларида давлат томонидан тартибга солишнинг махсус органлари ташкил этилган («Авианадзор», «Желдорнадзор», «Автомобил транспорти агентлиги», «Нефтгазинспекция»). Туризм ва кино ишлаб чиқариш тармоқларида бундай органларнинг мавжуд эмаслиги давлат ва монополь тузилмалар тадбиркорлик фаолияти манфаатларининг уйғунлашувида маълум муаммоларни вужудга келтиради.

Кичик ва ўрта бизнес (КЎБ)нинг ривожланиши. Мазкур сектор корхоналари истеъмол бозорлари конъюнктурасини яхши сезади, беқарор иқтисодиёт шароитида ўз фаолиятлари стратегиясини тезроқ ўзгартира олади, рақобатни қўллаб-қувватлайди, ишчи ўринлари яратади. КЎБни ривожлантириш мақсадида давлат солиққа тортиш, ҳисобот тақдим этиш ҳамда янги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартибларини соддалаштирди, ккширувлар миқдорини қисқартирди ва ҳ.к. Шу ва бошқа чоратадбирларни змалга ошириш туфайли Ўзбекистонда КЎБнинг ЯИМдаги улуши 34%га етди, мазкур секторда иқтисодиётдаги барча бандларнинг 56% тўғри келмоқда. Бироқ, кўплаб бошқа ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам янги тадбиркорлик тузилмаларининг бозорга шриши ҳамда фаолият юритишини қийинлаштирувчи тўсиқлар мавжуд. Улардан энг учрайдиганлари қуйидагилардан иборат:

- хом ашё ва материалларни сотиб олишдаги қийинчиликлар;
- дастлабки капиталнинг мавжуд бўлмаслиги ҳамда айланма |капиталнинг етишмаслиги;
- кредит олишнинг юқори сарф-харажатлар тақозо этиши, банкларнинг ижозлар билан мураккаб ўзаро муносабатлари;

- давлат томонидан мутлоқ ҳуқуқлар билан таъминланган ҳамда |нисбатан қулай рақобат шароитларига эга бўлган монопол тузилмаларнинг |амал қилиши;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи |ва текширувчи органларнинг аралашувининг юқори даражаси;
- маъмурий (лицезия, рухсат, сертификат олишда, рўйхатдан тказишдаги ва бошқа) тўсиқлар.

Бу муаммоларни ҳал этиш учун рўйхатга олиш ва лицензиялаш таомилини янада кўпроқ соддалаштириш, сертификатлаш ва мажбурий стандартлаш миқёсларини қискартириш, хўжалик юритиш субъектларининг моддий-хом ашё ресурсларига тенг имкониятини таъминлаш, ҳисоб шқамларидаги, шу жумладан, нақд шаклдаги мавжуд пул маблағларидан эркин фойдаланишни кафолатлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва текширувчи фганларнинг улар фаолиятига аралашувини чеклаш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг монополияга қарши қонунчилиги, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги сингари, рақобатни қуйидаги воситалар орқали тартибга солади:

- устун мавқени суиъстемол қилишга таъсир кўрсатиш;
- рақобатни чеклашга йўналтирилган келишув ҳаракатларини назорат қилиш ва йўл қўймаслик;
- иқтисодий концентрацияни тартибга солиш.

Бирок, бу ҳуқуқий меъёрларни ҳам қонунчилик, ҳам амалий жиҳатдан қўлланилишида бир қатор фарқ қилувчи ҳолатлар мавжуд.

Устун мавқенинг суиъстемол қилиниши. Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунига кўра бозор улуши 65%дан юқори бўлган корхоналар устун мавқега эга ҳисобланадилар, 35-65% улушда устунлик кўшимча омилларни таҳлил қилиш орқали аниқланади: бозорнинг барқарорлиги, рақобатчиларнинг нисбатан улуши, тармоққа киришда тўсиқларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Таққослама таҳлил шуни кўрсатадики, корхонани устун мавқега эга деб ҳисобланиши учун бозор улушининг «эталон» ҳажми мавжуд бўлмай, ҳар бир мамлакат уни ўз мезонига кўра аниқлайди. Масалан, бу улуш Польша ва Чехияда - 40%, Венгрияда - 25-30%, Россияда - 35-65%, АҚШда -70%, Канадада - 35%, Европа Иттифоқида - 40-50%. АҚШ, Канада, ЕИ ва бошқа қатор мамлакатлар қонунда бозор улушлари кўрсатилмаган, устунлик эса прецедент ҳуқуқ асосида аниқланади.

Бирок, Ўзбекистон қонунчилигининг хориж қонунчилигидан асосий фарқи шундаки, хориж қонунчилигида бозор улуши монополияга қарши мажбурий чоралар ва жазолар тўғрисида қарор қабул қилишда хулоса чиқарувчи ва қатъий омил бўлиб ҳисобланмайди. Хорижда бу улуш фақат устунлик мавқеи тўғрисида қариш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳал қилувчи мезон бўлиб эса, бозорда ҳукмрон мавқега эга бўлган корхона ўзининг ҳатти-ҳаракатлари билан етказган амалдаги зиён ҳисобланади. Таассуфки, Ўзбекистон қонунчилигида бу ҳолатга етарли эътибор берилмай, натижада ўз монопол мавқеини суиъстемол қилмаган корхоналарга нисбатан монополияга қарши тартибга солиш чора-тадбирларини қўллаш имконини беради.

Рақобатни чеклашга йўналтирилган келишув ҳаракатларини назорат қилиш ва йўл қўймаслик. Хорижий амалиётда бундай ҳатти-ҳаракатлар монополияга қарши органларнинг асосий эътиборини жалб этиб, жуда қаттиқ жазоланади. Масалан, АҚШда рақобатни чекловчи битимлар тузганлик учун корпорациялардан 10 млн. долларгача, жисмоний шахслардан эса 350 минг долларгача жарима ёки суднинг қарорига кўра 3 йил қамоқ жазоси белгиланган. Ўзбекистонда бундай ҳаракатлар учун энг юқори жарима энг

кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорида (2004 йилнинг бошига бу 2,7 минг долларни ташкил этади) белгиланган. Мазкур жариманинг профилактик функциясига умид боғлаш мумкинми? Бунинг устига фақат бозордаги томонларнинг улуши 35% ва ундан кўпроқни ташкил этган ҳоллардагина бу қоидабузарлик ҳисобланади. Холбуки, нархни қатъий белгилаш ёки бозорни бўлиб олишга йўналтирилган келишувлар корхоналарнинг бозордаги улушидан қатъий назар рақобатни чеклаб қўйиши ва бошқа ҳалол рақобатчиларнинг ҳуқуқларини бузиши мумкин. Бундай ёндошув оқибатида кўплаб ҳуқуқбузарлар бизда жазоланмай қоладилар.

Иқтисодий концентрацияни тартибга солиш. Турли мамлакатларнинг монополияга қарши идоралари иқтисодий концентрациялар устидан қатъий давлат назорати сиёсатини олиб борадилар. Ғарб мамлакатларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилигини амалга оширишда шов-шувларга сабаб бўлган суд жараёнлари ҳам қўшилиш ёки қўшиб олишлар борасидаги битимлар оилан боғлиқ. Бу битимларни аниқлашда турли мезон ва ёндошувлар қўлланилади. Баъзи бир мамлакатларда (масалан, ЕИнинг бир қатор мамлакатларида) мезон сифатида томонлар айланмаси қийматининг миқдори хизмат қилса, бошқаларида активлар қийматининг миқдори ёки сотиш ҳажми (Жанубий Кореяда бу кўрсаткич 100 млрд. вондан кўпроқ), яна бошқаларида штирокчининг бозор улуши хизмат қилади. Майда компанияларнинг қўшилиб кетиши рақобат учун хавф туғдирмасда, бироқ монополияга қарши органлар тегишли текширув ҳамда аралашувларни олиб бориш ҳуқуқига эгадилар.

Сўнги вақтларда иқтисодий концентрацияни тартибга солиш усуллари тубдан такомиллаштириш бўйича умумий тенденция кўзда тутилмоқда. Бу монополияга қарши қонунчилик таъсири остига тушувчи оитим миқдори чегаравий қийматининг ошиши орқали ифодаланади. Бу хўжалик фаолияти ҳамда иш муносабатларининг глобаллашуви билан ооғлиқ. Бугунги кунда монополияга қарши органлар халқаро даражадаги иқтисодий концентрация масалаларига кўпроқ эътибор қаратмоқдалар (яъни, ишлаб чиқариш ҳажми ёки баланс қиймати тўғрисидаги ахборот билан бир каторда ички ва жаҳон бозори тўғрисида маълумотлар талаб қилинмоқда). Кўпроқ халқаро миқёсдаги бирлашув ва сотиб олишлар рўй бермоқдаки (масалан, автомобилсозликда), уларнинг оқибатлари икки ёки ундан кўпроқ мамлакатлар даражасида кўриб чиқилмоқда. Франция, Канада, Испания, Италия яқинда бирлашувлар устидан назоратни кучайтирдилар, бундай назорат бўйича янги таклифлар айни пайтда Буюк Британия ва Швецияда кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда хўжалик субъектларининг 35%дан кўпроқ акцияларини сотиб олиш бўйича битимлар монополияга қарши органни олдиндан хабардор қилишни тақозо этади. Бундай хабарсиз рўйхатга олинган, бироқ бошқа ҳолларда монополияга қарши қонунчиликка мувофиқ тушувчи оитимларни амалга оширган инвесторлар учун сотиб олинган акцияларга |эгаллик қилишга руҳсат берилади, бироқ ахборот такдим этилмаганлиги учун %ларга жарима белгиланиши мумкин. Қандайдир субъектнинг 35%дан ортиқ акцияларини сотиб олиш истагидаги инвесторларнинг мурожаатлари ҳам урганиб чиқилади. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон иқтисодиёти ҳозирча мулкнинг шаклланиш ва дастлабки тақсимланиш даврини бошидан кечирмоқда. Шунга кўра, бизда фирмаларнинг қўшилиб кетиши бўйича битимлар мулкнинг шаклланиши аллақачон тугатилган ривожланган мамлакатларга қараганда у қадар кўп эмас.

Ўзбекистонда хўжалик субъектларини тугатиш устидан назорат иқтисодий концентрацияни тартибга солишнинг яна бир дастаги бўлиб хизмат қилади. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича давлат кўмитаси бозорнинг монополлашуви даражасини ошишига олиб келувчи ҳолатларда корхонанинг

бошқарувчилари ёки давлат органлари томонидан уни мажбурий тугатилишига розилик беришдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Тўғри, буни амалиётда қўллаш жуда мушкул, чунки зарар кўрувчи ишлаб чиқаришни сақлаб қолиш мақсадида мулкдорга таъсир кўрсатиш механизми мавжуд бўлмай, фақат корхонанинг раҳбарларини уни сунъий равишда банкротлик ҳолатига олиб келганлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Монополияга қарши қонунчиликнинг муаммолари. Ўзбекистоннинг амалдаги монополияга қарши қонунчилигининг асосий камчиликларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Қонун меъёрлари кўпинча умумий қоидалардан иборат бўлиб, доимо . ҳам тартибга солишнинг муҳим масалаларини тўлиқ қамраб олмайди.

2. Рақобатни таъминлашнинг кўплаб томонлари қонундан ташқари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бизда қонунчиликка

қўшимча равишда 20дан ортиқ ҳужжатлар, жумладан, Юга яқин ҳукумат қарорлари ва 1 Одан ортиқ Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган идоравий ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳарб мамлакатларида қонунга қўшимча ҳужжатлар билан монополияга қарши қонунчилик масалаларини тартибга , солинмайди, чунки барча асосий меъёрий қоидалар қонунларда ўз ифодасини топади. Қонунга қўшимча ҳужжатларнинг қўлланиши рақобат масалаларини бошқариш тартибига ўзгариш ва тўлдиришлар киртиш, шунингдек, қонун меъёрларини идоравий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда талқин этиш имконини беради.

Ўзбекистондаги монополияга қарши сиёсатнинг ҳуқуқий муҳитини таҳлил қилиш асосида уни такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсияларни илгари суриш мумкин:

- монополияга қарши қонунчиликда қонун меъёрларининг турли тарзда (талқин этилиши ҳамда улар ўртасидаги зиддиятнинг олдини олиш, унинг амалий йўналтирилганлиги ва гармонизациясини (яъни, амалга ошириш механизмига эга бўлмаган ёки ноаниқ меъёрларга эга бўлган моддаларни чиқариб ташлаш ёки тўғрилаш) ошириш, шунингдек республика қонунчилигининг бошқа бўлимлари билан мувофиқлигига эришиш мақсадида қайта кўриб чиқиш;

қонунчиликка харидорларнинг устунлик ҳолатини аниқлаш, шунингдек, уни суистеъмол қилиш бўйича жавобгарлик чораларини киритиш;

- рақобат сиёсатининг монополист-корхоналар фаолиятини қатъий тартибга солиш асосий тамойилидан уларни рақобатга қарши ҳатти-ҳаракатлари учун жазолаш тартибига ўтиш тамойилига ўзгартиришга эътиборни қаратиш. Бунда шундай қоидадан келиб чиқиш керакки, фирманинг бозордаги устунлик мавқеининг ўзи қонунчиликнинг бузилиши ҳисобланмайди. Бунинг устига, баъзида бу устунлик фирманинг самарали ишлашидан дарак бериб, унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигининг муҳим шарти ҳисобланади. Фақат устунлик мавқеини суистеъмол қилишгина қонунбузарлик ҳисобланиб, бу ҳам текшириш ва судда ишни кўриб чиқиш орқали исботланган бўлиши лозим;

- монополияга қарши қонунчилик таъсир доирасини молиявий бозорлар соҳаси учун ҳам кенгайтириш лозим. 3.2. Рақобат ва монополиялар нисбатини тартибга солишда давлатнинг ролини ошириш

Иқтисодиётдаги рақобат даражаси ва монополиялар ўртасидаги нисбат давлат томонидан доимий назоратга олиниб, унинг оптимал даражасини

таъминлаш борасида мунтазам равишда чора-тадбирлар амалга оширилиб борилиши лозим. Жумладан, давлат томонидан ишлаб чиқаришни таркибий ислоҳ қилиш механизмнинг шакллантирилиши бу борадаги муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Бу механизмни ўзаро боғлиқ икки дастур орқали ифодалаш мумкин.

Биринчи дастур — корхоналар фаолияти шакллари ва уларнинг ташкилий тузилмаларини монополиядан чиқариш. У корхоналар хўжалик юритиш ташкилий шаклларининг ташки ўзгаришларига тааллуқлидир. Мазкур дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

- саноат тармоқлари бўйича корхоналар сонининг кўпайиш томонга миқдорий ўзгариши;

- кўплаб корхоналар миқёс тавсифлари (ҳажмлари)нинг қисқариш томонга ўзгариши;

- иш фаолияти шакли ва тамойили жиҳатидан умуман янги корхоналарнинг пайдо бўлиши.

Иккинчи дастур - корхона фаолиятини бошқариш шакл ва усулларини монополиядан чиқариш. У саноат корхоналари фаолиятидаги ички ўзгаришларга тегишли бўлиб, фирма ички бошқаруви, хўжалик юритиш усулларининг шакл, тузилмаларини типларга ажратади, хўжалик юритиш стилининг кенг доирасини тақозо этади. Мазкур дастур ўз ичига қуйидагиларни олади:

- фирмани бошқаришнинг ташкилий тузилмасини ўзгартириш;

- хўжалик юритишнинг усуллари, тамойиллари, мотивлари ва рағбатлари: режалаштириш механизми, моддий-техника таъминотини ташкил этиш, маҳсулотни сотиш ва бошқаларни ўзгартириш.

Таркибий монополиядан чиқариш бўйича биринчи навбатда амалга оширилиши лозим бўлган ислохотларга тўхталиб ўтамиз. У ўз ичига тармоқ ҳамда миқёс жиҳатдан монополиядан чиқаришни олади.

Тармоқ жиҳатидан монополиядан чиқариш — бу миқдор ўзгариши бўлиб, корхоналар сонини ўзгартиришдан иборат. Корхоналар ўртасидаги ички тармоқ рақобати вужудга келиши учун бундай корхоналарнинг рақобатга киришувчи сонини таъминлаш лозим. Хорижий андозаларга кўра, корхоналар ўртасида монопол шаклида бўлса ҳам рақобат пайдо бўлиши учун бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи бир йўналишдаги корхоналар сони 20 тадан кам бўлмаслиги лозим. Шунга мувофиқ, ишчи кучи ресурслари бозорини таркиби топтирувчи бир йўналишдаги ёлланма ишловчиларда иш жойини танлаш имконияти пайдо бўлади. Мутахассислар ўртасидаги рақобат эндиликда шунчаки ишчи ўрни учун эмас, балки нисбатан фойдали, манфаатли ишчи ўрни учун боради. Худи шундай таҳлитда мазкур корхона учун меҳнат воситаси ва предметларини етказиб берувчи корхоналар ўртасидаги рақобат ҳам ривожланиши мумкин. Уларда ҳам ўз маҳсулотини нисбатан фойдали тарзда етказиб беришда танлаш имконияти пайдо бўлади.

Бироқ, бу ерда рақобат муҳитининг қарор топишида асосий хавф ётади. Асосан ишлаб чиқаришда корхоналарнинг рақобатлашувчи сонининг пайдо бўлиши билан уларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган техника, технология, асбоб-ускуна, шунингдек, материаллар, бутловчи қисмларни етказиб берувчи корхоналарнинг ҳам рақобатлашувчи сони вужудга келиши лозим. Бу энг аввало ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир хилдалиги билан шартланган технологик монополизмни баргараф этиш учун зарур.

Барча ривожланган мамлакатлардаги товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат аллақачон технологиялар рақобатига айланган. Агар технологик монополия исканжасидан халос бўла олинмаса, у ҳолда ҳеч қандай рақобатни таъминлаб бўлмайди. Чунки рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган секторини ривожлантириш учун истиқболлар пайдо бўлмайди. Бошқача айтганда, асосий ишлаб чиқаришнинг рақобат муҳити ресурслар билан

таъминланган бўлишибўлиши лозим, яъни янги ташкил этилаётган корхоналар қай даражада ресурслар билан таъминланганлиги ҳисобга олиниши лозим. Акс ҳолда монополияларни фақат миқдор жиҳатдан қайта ташкил этишдан ҳеч қандай наф бўлмай, ташкил этилаётган корхоналар ҳаётга лаёқатсиз бўлиб қолади.

Ресурслар бозорида рақобатнинг мавжуд бўлмаслигининг бир қатор салбий ҳолатларини белгилаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

- биринчидан, асосий ишлаб чиқаришни таркибий қайта тузиш натижасида мазкур ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маҳсулот истеъмолчилари сони кўпаяди, унга бўлган талабнинг миқдорий тавсифлари ошади, бироқ, шу билан бирга, ресурсларни етказиб берувчи корхоналарнинг қувватлари, имкониятлари (кадрлар бўйича, технологик, молиявий) ва тўловга лаёқати илгариги даражада қолади. Шунга мувофиқ, бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми ўсмайди. Бу ҳолат улар маҳсулотининг асосий ишлаб чиқариш истеъмолчилари учун шубҳасиз равишда етишмаслигини шартлайди. Натижада асосий ишлаб чиқаришдаги гаги ташкил этилган корхоналар кўпчилигининг ресурслар билан таъминланмаслиги ва банкротлигига олиб келади;

- иккинчидан, ресурс етказиб берувчи корхоналар маҳсулотининг тақчиллиги ушбу корхоналар учун бевосита қулай ҳолатни яратади ва уларнинг маҳсулотлари учун нархларнинг монопол равишда ўсиши учун имкон яратади;

- учинчидан, ресурс етказиб берувчи корхоналар ўз аҳамиятларини сезган ҳамда рақобат муҳити мавжуд бўлмаган шароитда ҳаракат қилган ҳолда ўз маҳсулотини такомиллаштириш, унинг сифатини оширишдан манфаатдор бўлмай қоладилар. Бундан ташқари, ресурсларни етказиб берувчилар соф монополист бўлиб қолар экан, асосий ишлаб чиқаришнинг барча товар ишлаб чиқарувчилари учун нарх ҳам, хом-ашё сифати ҳам, технологиялар ҳам бир хилда қолади. Бу эса, корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир турда бўлиши, уларнинг рақобат салоҳияти энг паст даражага тушиб кетишидан дарак беради ҳамда янги ташкил этилган корхоналарнинг кўпчилигини ёпилишига олиб келади.

Шунга кўра, у ёки бу тармоқ таркибий жиҳатдан қайта ташкил этиш муваффақиятли равишда давом этиши учун у иқтисодиётнинг барча тармоқларида фирмаларни монополистик рақобатни таъминловчи минимал сонига қадар ўстирувчи занжирли реакция билан боғлиқ ҳолда бориши лозим.

Шундай қилиб, ресурс етказиб берувчилар билан бўлган ўзаро муносабатларни миқдор жиҳатидан тармоқ монополиясидан чиқаришни амалга оширишдаги дастлабки муҳим ҳолат деб аташ мумкин бўлиб, уни янги ташкил этилаётган рақобатли тармоқ тузилмасидаги ишчанликни сақлаб қолишда эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Иккинчи муҳим ҳолат бўлиб корхоналарнинг банклар билан ўзаро муносабати ҳисобланади. Янгидан пайдо бўлаётган рақобат муҳитидаги ҳар бир корхона яшаб қолиши учун молиялаштириш, кредитлаш манбаига эга бўлиши лозим (айниқса молиявий қўллаб-қувватлаш корхонанинг ташкил топиши ва очилиши даврида жуда зарур бўлади). Агар банк соҳасида ўз капиталини ишлаб чиқаришга жойлаштириш учун қизиқиш бўлмаса, у ҳолда ишлаб чиқариш соҳасида янги пайдо бўлган рақобат муҳитини молиявий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мумкин эмас.

Ишлаб чиқариш соҳасида рақобат муҳитини яратишда учинчи муҳим ҳолат бўлиб саноат корхоналарининг харидорлар ёки улгуржи ва чакана савдо-воситачи корхоналар билан ўзаро муносабатлари ҳисобланади.

Савдо тармоғи, хизмат кўрсатиш соҳасининг мустаҳкам инфратузилмаси ҳам шунингдек таркибий ислохотлар давомида ташкил «этилаётган рақобатлашувчи ишлаб

чиқариш фирмаларига хизмат кўрсатишга тайёр туриши лозим. Улар тармоқдаги соф монополия ёки олигополия шароитида фирма ўз товарининг харидорларини мустақил равишда топа олиши учун саноат корхоналари ва маҳсулотнинг пировард истеъмолчилари ўртасида воситачига айланиши лозим. Халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги ўзаро рақобатлашувчи корхоналар сонининг кўпайиб бориши билан бу муаммо тобора мураккаблашиб бормоқда. Фирма учун нисбатан нафли бўлган ресурс етказиб берувчи ва харидорни танлаш :стратегиясини ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келмоқда. Шу билан бирга Мрмоқ монополиясидан чиқариш ислохотлари саноат корхоналарининг савдо воситачиларига бўлган қизиқишини орттирмоқда. Соғлом пул муомаласини тиклаш учун ишлаб чиқарувчиларнинг савдо-воситачи ташкилотлар хизматидан фойдаланиш истагининг ўзи етарли эмас. Саноат корхоналари сонининг ўсиши ҳамда товарлар сифати ва ассортиментининг ошиши билан боғлиқ ҳолда савдо-воситачилик ташкилотлари сонининг кўпайиши уларнинг ҳалол савдога бўлган қизиқишини оширади ва рақобатни кучайтиради. Савдо фирмаларида спекулятив операциялар ҳисобига эмас, балки товар ишлаб чиқарувчилар билан нисбатан фойдалироқ алоқаларни ўрнатиш натижасида бир-биридан ўзиб кетиш имконияти пайдо бўлади.

Мисол учун, ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича Кўмита томонидан ўтказилган қурилиш материалларига нархнинг шаклланиши ва товарнинг ҳаракати тартибининг таҳлили шуни кўрсатадики, воситачилар иштирокида материаллар харид қийматига устама қўлланиши ҳисобига нарх даражаси 10 дан то 48%га қадар ўсади.

Қурилиш материалларининг қимматлашувига олиб келувчи омиллардан яна бири бўлиб идоравий монополизм ҳисобланади. Идоравий монополизм бозорда нисбатан арзон қурилиш материаллари мавжудлиги шароитида ўзига қарашли қурилиш индустрияси корхоналари маҳсулотини истеъмол қилиш орқали намоён бўлади. Мазкур ҳолатни бартараф этиш мақсадида кўмита томонидан қурилиш индустрияси корхоналарини қурилиш комплекси уюшмалари, бирлашмалари, корпорациялари таркибидан чиқариш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш таклиф этилди.

Маълумки, Ўзбекистонда бозор ислохотларининг дастлабки босқичидан бошлаб монополияга қарши сиёсат олиб борилмоқда. Озиқ-овқат товарлари бозорининг таҳлили шуни кўрсатадики, баъзи бир озиқ-овқат товарларини импорт қилиш ва экспортини чеклаш ҳисобига талаб ва таклифнинг нисбатан баланси амал қилади. Мамлакатнинг озиқ-овқат ва қайта ишлаш корхоналари маҳаллий бозорларни тўласича назорат қилади. Монополист корхоналар давлат реестрига «Ўзозиковқатсаноат», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» тизимларининг ўз фаолиятини республика товар бозорида олиб борувчи бта корхонаси ҳамда маҳаллий товар бозорларида олиб борувчи 135 та корхонаси киритлиган. Асосий озиқ-овқат товарларининг тор ассортименти аҳоли талаб ва таклифининг ўзгарувчан таркибига жавоб бера олмайди. Тармоқ корхоналари хом ашёнинг етишмаслиги сабабли паст қувват билан ишлайди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги технологияларни жорий этиш, қувватлардан фойдаланиш коэффицентини ошириш, ассортиментни кенгайтириш, рақобатбардошлик сифатини ошириш бозорни тўйинтириш, унинг эҳтиёжларини таъминлаш имконини беради.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, кўмита томонидан «Ўзозиковқатсаноат», «Узнонмаҳсулот», «Узгўштсутсаноат», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» уюшмалари бўйича монополиядан чиқариш ва

рақобатни ривожлантириш борасида 5 та тармоқ дастури ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Бундай дастурларни ишлаб чиқилишининг зарурлиги қуйидагилар билан шартланади:

- ишлаб чиқариш соҳасининг монополлашуви, ички товар бозорлари ривожланишининг хусусиятлари;
- баъзи бир хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқаришининг тушкунликка юз тутиши натижасида бошқаларида монополизмнинг кучайиши;
- товарлар алоҳида гуруҳларининг тақчиллиги;
- кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг зарурлиги.

Кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилиши таҳлили шуни кўрсатадики, санаб ўтилган тармоқларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш амалга оширилмоқда. Мойни идишларга қуйиш бўйича шнялар ишга туширилди, эскирган асбоб-ускуналарни алмаштириш амалга оширилмоқда.

Озиқ-овқат саноатининг деярли барча корхоналарида тармоқ дастурига мувофиқ равишда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда.

Миқёс жиҳатдан монополиядан чиқариш - саноат корхоналарининг миқёс ва ҳажмларини ўзгартириш, кичик ва ўрта корхоналар тармоғини яратишдан иборат. Ишлаб чиқариш шакллари миқдор жиҳатдан монополиядан чиқариш билан бир вақтда миқёс жиҳатдан ҳам монополиядан чиқаришни ҳам амалга ошириш зарур. Бизнинг мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишни комбинатлар, трестлар ташкил этишдан бошлаш мумкин эмас. Бундай монопол тузилмалар хорижий мамлакатларда бозордаги рақобат кураши таъсири остида, капиталнинг концентрациялашуви натижасида ташкил топган бўлса, бизда ўз умрини ўтаб бўлган тизимнинг қолдиғи бўлиб ҳисобланади.

Табиийки, миқдор жиҳатидан монополиядан чиқаришни амалга ошириш, яъни бир турдаги товар ишлаб чиқарувчилар сонини кўпайтириш орқали эски саноат гигантлари қаторига янгиларини қўшиш иқтисодий маънога эга эмас ва буни амалга ошириб ҳам бўлмайди. Ҳар қандай янги, бунинг устига йирик миқёсдаги курилиш бизнинг иқтисодиётимиз учун нафақат фойдасиз, балки имконият даражасидан ташқарида ҳисобланади. Зарар кўриб ишловчи корхоналарни ярим маъмурий асосда концернларга, молия-саноат гуруҳларига бириктириш орқали миллий ишлаб чиқаришни янада кўпроқ концентрациялашувига кўмаклашиш нафақат мақсадга номувофиқ, балки халқ хўжалигининг мувозанатлашганлиги ва молиявий барқарорлик нуқтаи назаридан имкон даражасида эмас.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, тармоқ монополиясидан чиқариш экстенсив эмас, балки интензив — мавжуд саноат корхоналарини йириклаштиришдан қайтариш усули орқали амалга оширилиши керак. У ёки бу тармоқда амал қилувчи корхоналар бир-бирлари билан жиҳозланиши, кадрлар билан таъминланиши, ишлаб чиқариш ҳажми, ва асосийси, миқёси ва қуввати бўйича таққослана олиши лозим. Шунга кўра йирик вამ айда корхоналар ўртасидаги рақобат тўғрисида гапириш мумкин эмас. Айниқса, кўплаб миқдордаги янги кичик ва ўрта корхоналарни бирданига ташкил этиш мумкин эмас, уларнинг сони чекланган бўлиб, йирик корхоналарга қарши тура оладиган ҳолатда бўлмайди.

Айни пайтда ҳар қандай рақобат муҳити майда ва ўрта корхоналарнинг кенг тармоғи мавжуд бўлишини тақозо этади. Биринчидан, улар ҳаракатчан, истеъмол бозорлари конъюнктурасини яхши сезади, беқарор иқтисодий муҳит шароитида ўз фаолиятлари стратегиясини тезлик билан ўзгартириш қобилиятига эга, рақобатни

қўллаб-қувватлаш кафолатланади; иккинчидан, аҳамиятли дарададаги меҳнат ресурсларини сафарбар этиб, қўшимча ишчи ўринларини яратади; учинчидан, ўзига хос буфер ролини бажариб, иқтисодий ислохотлар даврида йирик компанияларни банкротликдан сақлайди, мамлакат иқтисодиётини нисбатан барқарор қилади.

Бизнинг шароитда фаолият юритаётган корхоналарни йириклаштиришдан қайтариш майда ва ўрта корхоналар тармоғининг пайдо бўлишига жиддий таъсир кўрсатди. У «Объектларнинг хўжалик юритувчи жамиятлар ва шерикчиликлар таркибидан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида амалга оширилмоқда.

Таъкидлаб ўтилган қарорга мувофиқ мамлакатимиздаги бозор ислохотларининг биринчи босқичида монополистик тузилмаларни йириклаштиришдан қайтариш бўйича туб чора-тадбирлар қўлланилди. Масалан, «Узозиковқатсаноат» уюшмаси «Озиковқат саноат» ва «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаларига ажратилиб юборилди. «Ўзмашсаноат» уюшмасидан «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси ажралиб чиқди. Энг катта йириклаштиришдан қараёнлари 1994-96 йилларда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тизимларида рўй берди. «Узмаишийуюшма» таркибидаги 2372 объект (барча объектларнинг 34%), «Ўзбексавдо» таркибидаги 5535 объект (67,5%), «Ўзбекбирлашув» таркибидаги 6052 объект (30%) акциядорлик жамиятлари, ижара ва бошқа жамоа корхоналари таркибидан чиқарилиб, мустақил корхоналарга айлантирилди.

Ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича, товар бозорларнинг ҳолати уларнинг монополлашув даражаларининг хилма-хиллиги билан характерланади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, келгусида монополиядан чиқариш ва рақобат сиёсатини амалга ошириш қўйидаги йўналишларда олиб борилади:

- иқтисодиётнинг базавий тармоқларини ва табиий монополиялар соҳасининг маҳсулотлари ва ва хизматлар бозори бўйича - бошқариш тизимини қайтадан ташкил қилиш жараёнларини давом эттириш, хўжалик юритиш ва бошқариш функцияларини бир-биридан ажратиш, маҳсулот ва хизмат турларининг нархини пасайтириш ва сифатини яхшилиш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида уни замонавийлаштиришни кўзда тутади;

- ишлаб чиқариш монополлашган бозорлар бўйича (рақобатни ривожлантириш мумкин ва мақсадга мувофиқ бўлган ишлаб чиқаришлар бўйича) - монополиядан чиқаришнинг тармоқ ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқариш, монополист корхоналарнинг бозордаги фаолияти устидан назорат олиб бориш, монополиялашган бирлашмалар ва корхоналарнинг ташкил топишнинг олдини олиш, бозорга учун мавжуд тўсиқларни камайтириш бўйича чоралар кўриш ва бозор иштириокчиларининг сонини кўпайтириш, фирром рақобатни чеклаш кўзда тутилади;

- рақобат ривожланган бозорлар бўйича - рақобатнинг эришилган даражасини доимий равишда ҳимоя қилиш мақсадида, ишлаб чиқаришни концентрацияланиш (корхоналарнинг қурилиши, қайта ташкил этилиши ва турли кўринишдаги битимлари) динамикаси ва мулкчилик шакилидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектларининг товар бозорларида ҳолатининг ўзгариши устидан кузатишларни амалга ошириш шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидланганидек соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бозор механизмининг самарали фаолиятини кўрсатишда муҳим омил ҳисобланади. Ушбу вазибаларнинг долзарблигини англаган ҳолда, мамлакатимизда монополист корхоналар фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш, монополиядан чиқариш ва янги, ўзаро рақобатланувчи корхоналарни ривожлантириш, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўли орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бўйича амалий ишлар олиб борилади.

Иқтисодиётдаги рақобат ва монополия нисбатини тартибга солишда давлатнинг табиий монополиялар фаолиятини назорат қилиш борасидаги иқтисодий роли ҳам аҳамиятлидир. Табиий монополия - товар бозорининг ҳолати бўлиб, унга асос бўлган технологик хусусиятлар алоҳида товарларга бўлган талабни қондириш рақобат шароитларини яратилмасдан амалга ошади.

Табиий монополия ҳолатида тармоқ бир фирмадан иборат бўлиб, самарадорлик ишлаб чиқариш миқёсининг кенглиги ҳисобидан пайдо бўлади, ўртача харажатларни келажакда паст бўлиш эҳтимоли ҳисобга олинади. Агар бу соҳада бир нечта майда фирмалар мавжуд бўлса, уларнинг ўртача харажатлари юқори бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг табиий монополиялар тўғрисидаги қонунининг 4-моддасида қуйидаги соҳаларда табиий монополия субъектларининг фаолияти давлат томонидан тартибга солинади:

- нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувурлар орқали ташиш;
- электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш;
- йўловчи ва юкларни темир йўлларда ташиш;
- умумий эркин фойдаланиладиган электр ва почта алоқаси хизматлари;
- сув қувурлари ва канализация хизматлари;

- портлар ва аэропортларнинг хизматлари ва бошқалар. Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун рақобатни ривожлантиришга, монополистик фаолиятни чеклантиришга йўналтирилмаган, чунки табиий монополиялар доирасида рақобат самара келтирмайди. Бу қонун табиий монополия субъектларини давлат томонидан тартибга солишга йўналтирилган.

Қонуннинг 5-моддасида нархларни (тарифларни) ёки уларнинг энг юқори (энг паст) даражасини белгилаш (ўрнатиш) воситасида нархларни тартибга солиш хизмат кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш орқали амалга ошириш кўрсатилган. Қонунда табиий монополия субъектлари фаолияти устидан давлат назорати ўрнатилган. Лекин фан-техника тараққиёти, тармоқда ягона фирманинг фаолияти билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини яна ҳам такомиллаштиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш» (2001 йил 22 феврал), «Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари» (2001 йил 3 март), «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги (2003 йил 24 феврал) фармонларида табиий монополия ҳисобланган соҳаларда шароитни ўзгартириш зарурлиги кўрсатилган. Энегетика, транспорт ва бошқа соҳаларда монополиядан чиқариш, акциялаштириш, давлатнинг тартибга солиш даражасини пасайтириш, рақобат шароитини ташкил этиш жараёнлари табиий монополия субъектларининг фаолияти давлат томонидан тартибга солиш соҳаларини қайтадан кўриб чиқишни ва тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида амал қилаётган табиий монополиялар ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, нархларни пасайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган бўлиши лозим. Улар Республикамизда қабул қилинган табиий монополиялар тўғрисидаги қонун асосида фаолият юритади. Мазкур қонун табиий монополиялар фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиб туради, шунингдек, истеъмолчилар, давлат ва табиий монополия субъектлари манфаатларининг мутаносиблигини таъминлайди.

Табиий монополиялар амал қилишининг асосий сабабларидан бири кенг кўламдаги иқтисод қилиш ҳисобланади. Айнан кенг кўламда иқтисод қилиш туфайли кўпчилик тармоқлар табиий монополиялар ҳисобланади.

Агар бир фирма томонидан маҳсулотнинг ҳар қандай миқдорининг ишлаб чиқарилиши, унинг икки ёки ундан кўп фирмалар томонидан ишлаб чиқарилишига нисбатан арзонга тушса, бундай тармоқ табиий монополия ҳисобланади.

Табиий монополияларнинг амал қилишида давлат механизмининг роли катта. Давлатнинг табиий монополиялар фаолиятига таъсир кўрсатишининг асосий воситаларидан бири солиқлар ҳисобланади. Солиқлар ёрдамида давлат у ёки бу турдаги табиий монополиялар фаолиятини рағбатлантиради.

Шу билан бирга давлат табиий монополиялар фаолиятини тартиблаб туради.

Бундай тартибланиш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

- нархларни ва уларнинг даражасини белгилаш;
- хизмат кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш ёки уларни табиий монополия субъектлари реализация қилинадиган товар билан тўлиқ ҳажмда қондиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, таъминлашнинг энг , кам даражасини белгилаш ва бошқалар.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, давлат томонидан қурилаётган бундай чоратadbирлар пировард натижада табиий монополияларнинг аҳолига махсус товарларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга олиб келади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда табиий монополиялар Республика давлат реестрида 269 хўжалик юритувчи субъект 12 турдаги хизмат ва 412 маҳсулот бўйича қайд қилинган.

Республикамизнинг кейинги йиллардаги иқтисодий ўсишида ва бевосита макроиқтисодий барқарорлигида айнан ана шу табиий монополиялар субъектларида тайёрланган маҳсулотлар, улар томонидан кўрсатилган хизматларнинг улуши сезиларли даражада катталигича колмоқда.

Ҳозирги кунда республика иқтисодиётида табиий монополияларнинг товар (хизмат) бозорларига салбий таъсири бир қатор ҳолатларда ўз ифодасини кўрсатмоқда. Жумладан, бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кўпгина монополлашган корхоналар каби табиий монополиялар ҳам ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланмасликлари натижасида монопол юқори нархлар вужудга келмоқда.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига қарамай, ушбу корхоналарнинг электр энергияси сарфи, иш ҳақи, ижтимоий соҳани сақлаш ва ривожлантириш каби харажатларнинг кескин ошиб кетиши табиий газ, кўмир, электр, алоқа ва бошқа соҳалар нархлари (тарифлари)нинг ошишига олиб келмоқда (3.2.1-жадвал).

3.2.1-жадвал. Қашқадарё вилоят саноат маҳсулотида табиий монополиялар улуши ва унинг ўзгариши (фоизда)

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Республика саноат маҳсулоти ҳажмидаги табиий монополиялар улуши					
Электр энергия ишлаб чиқариш	11,6	11,5	11,4	9,7	10,5
Нефтни ишлаб чиқариш ва қайта	7,3	10,4	10,0	7,8	10,1

ишлаш					
Газ ишлаб чиқариш ва узатиш	8,5	8,2	7,6	6,4	7,9
Кўмир қазиб чиқариш	0,5	0,6	0,7	1,0	1,2
Ҳаво ва темир йўлда юк (йўловчи) ташиш	4,1	4,2	3,6	4,5	4,8
Почта ва телекоммуникация хизматлари	2,6	2,7	3,3	3,6	3,9

Бунга кўп жиҳатдан шу ҳолат ҳам сабаб бўладики, табиий монополиялар тизимининг ўзига хос хусусиятлари маҳсулотлар ёки хизматларнинг ҳақиқий таннархини аниқлашда ҳамда нархларнинг қанчалик асосланганлигини таҳлил қилишда тўсиқлар яратади.

Улар амалда ўз маҳсулотларига ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб эмас, балки амалда бўлган нархномаларга коэффицентлар кўшиш орқали нарх белгилаб келмоқда. Нарх белгилашнинг бу усули пировард натижада нархларнинг асоссиз юқори белгиланишига ва истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишига олиб келади.

Танлаб ўтказилган тадқиқот натижалари Республикада темир йўл транспортида юк ташиш харажатларининг анча тез ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Темир йўл орқали юк ташиш харажатларининг ошиб кетиши ўз навбатида бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотларининг таннархи ва пировард натижада нархининг ошиб кетишига олиб келмоқда.

Жумладан, нефть маҳсулотлари таннархидаги транспорт харажатлари 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 7,2 фоиздан 9,7 фоизга; цемент ишлаб чиқаришда 3,5 фоиздан 6,5 фоизга; аммофосда 7,4 фоиздан 10 фоизга; энергетикада 2,4 фоиздан 3,5 фоизга ўсган. Бундан ташқари, юк ташишда МДХ давлатлари чегараларидан ўтганлиги учун 60 фоизлик чет Эл валютасида тўловлар қилиниши ҳам ушбу ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Харажатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик жамиятининг ялпи харажатларининг ошишида жорий харажатлар улуши 18 фоизни, солиқ ва бюджетга тўловлар 19 фоизни, иш ҳақининг ошиши эса 35 фоизни ташкил қилган.

Бундан ташқари, харажатларнинг ошишига олиб келувчи сабаблардан бири темир йўлда пассажир ташишдан кўрилган зарарнинг ҳам юк ташиш учун белгиланган нархлар таркибига асоссиз равишда киритилишидир. Юқоридаги ҳолатни электр, алоқа ва почта хизматлари ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси хизматлари учун белгиланадиган нарх (тариф) таҳлили натижасида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, бозор иқтисодиётига эга давлатлардаги шундай қонунлардан фарқ қилиб Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши қонунчилиги, биринчи навбатда олдинги тизимдан мерос қилиб олинган мавжуд ишлаб чиқариш монополияларини чеклаш ва уларга барҳам беришга қаратилган.

Республикада монополияга қарши сиёсатнинг ҳуқуқий асослари етарли даражада ишлаб чиқарилганлигига қарамасдан уларни амалга оширишнинг аниқ механизми мавжуд бўлмаганлиги сабабли кўп ҳолларда субъектив омиллар таъсирида қонунчиликдаги бузилишларни кузатиш мумкин. Бунга нафақат хўжалик юритувчи субъектлар томонидан, балки давлат бошқарув ва ҳокимияти органлари томонидан йўл қўйилмоқда.

Амалиётда ҳокимликлар томонидан баъзи хўжалик юритувчи субъектларга асоссиз имтиёзлар берилиши, маълум истеъмолчиларга маҳсулот етказиб

бериш, ижтимоий соҳалар ва тадбирларга молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича кўрсатмалар бериш каби ҳолатлар шулар жумласидандир. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтишга ва соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатади.

ХУЛОСА

1. Иқтисодий категория сифатида «рақобат» тушунчаси шу қадар серқирраки, уни қандайдир ягона умумий таъриф билан қамраб олиш мумкин эмас. Рақобат ҳам хўжалик юритиш усули, ҳам бир капиталнинг бошқаси билан беллашувини таъминловчи капиталнинг амал қилиш усули. Рақобатда товар ишлаб чиқаришнинг хусусияти, унинг ривожланиши усули энг асосий аҳамиятли белги сифатида қаралади. Бундан ташқари, рақобат ижтимоий ишлаб чиқаришнинг стихияли регулятори ролида ҳам майдонга тушади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, рақобатни максимал фойдани қўлга киритиш, нисбатан қулай хўжалик юритиш шароитларига эга бўлиш учун товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кураш сифатида баҳолаш мумкин.

Бошқа томондан, рақобатни маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида, шунингдек капитал киритиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро таъсирини таъминловчи бозор механизмининг элементи сифатида кўриб чиқиш мумкин.

2. Тадқиқот давомида ўтиш даври иқтисодиётида рақобатни шакллантиришда қуйидаги тамойилларга асосланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди:

- бозор муносабатларининг қарор топтирилиши;
- рақобатнинг тўлақонли амал қилиши учун иқтисодий фаолиятларни эркинлаштириш жараёнларини амалга ошириш;
- соғлом рақобатни таъминлашга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий асоснинг яратилиши;
- иқтисодиётда корхоналарнинг сунъий равишда устунлик мавқеига эга бўлиши учун имкон яратмаслик;
- монополияга қарши қонунчиликнинг ишлаб чиқилиши ва унга амал қилишнинг таъминланиши;
- иқтисодиётдаги монопол ҳолатларни тартибга солиш ва рақобатни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус давлат идоралари, муассасалари ва органи фаолиятини йўлга қўйиш; табиий монополиялар борасидаги махсус сиёсатнинг ишлаб чиқилиши.

3. Мамлакатимизда рақобатни ривожлантиришга қаратилган қуйидаги чораларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- мулкни қайта тақсимлаш натижасида янги монопол тузилмалар пайдо бўлишига йўл қўймаслик, тармоқларда иқтисодий марказлашув, жумладан, давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва мулк олди-сотдиларини амалга ошириш устидан назоратни кучайтириш;

- товар бозорларида хўжалик юритиш (хом ашё, кредит ва валюта ресурслари олиш) учун тенг имконият ва имтиёзлар яратиб бериш;

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари таъсирига барҳам бериш;

- кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликнинг ривожланишига кўмаклашиш (консалтинг, маркетинг хизмати ва банк-кредит воситаларини такомиллаштириш, ўзаро муносабатларни мумкин қадар соддалаштириш);

- шартномавий (эркин) нархлар шаклланишининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, бозордаги суистеъмолчиликларни назорат қилиш ва уларга барҳам бериш мақсадида монополияга қарши кураш ва бошқарув услубларини янада такомиллаштириш.

4. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бир қатор тармоқ ва тармоқчаларда хусусийлаштириш қуйидаги сабабларга кўра самарали рақобатни ривожланишига сезиларли таъсир ўтказа олмаслиги мумкин:

- табиий монополиялар шароитида товарлар ишлаб чиқариш (сотиш)да рақобатнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги;

- баъзи ҳолларда хусусийлаштириш жараёнида рақобатбардош бўлмаган корхоналарнинг пайдо бўлиши ва пировард маҳсулотнинг қимматлашиб кетишига олиб келувчи корхона таркибидан бўлинмаларни ажратиш олишнинг самарали эмаслиги.

5. Ҳозирги вазиятдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон бозорларида соғлом рақобат муҳитини барпо этишдаги муаммолар қуйидагилардан иборат:

- давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг кучлилиги;

- тармоқлар тузилишидаги номувофиқликлар ва ишлаб чиқаришда юқори технологияларнинг етишмаслиги;

- соҳа ва тармоқлар миқёсидаги рақобатда адолат мезонларининг бузилиши;

- мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги суистеъмолликлари;

- нарх белгилашда монопол мавқенинг сақланиб қолиши, хусусан иқтисодиётнинг аграр ва индустриал секторида нархларнинг кескин фарқланиши;

- контрабанда йўли билан мамалакатга товарларнинг кириб келиши;

- фаолият турини ва даромадларни яшириш ҳолларининг мавжудлиги;

- соғлом пул муомаласи учун ҳозирги шароитдан келиб чиқадиган бозор инфратузилмасининг етарли эмаслиги;

- миллий валютани хориж валюталарига эркин алмаштириш имкониятларининг чекланганлиги;

- субъектларнинг бозор иқтисодиёти қоидаларини чуқур тушуниб етмаганликлари;

- иқтисодий жиноятчилик ҳолатларининг мавжудлиги.

6. Тадқиқотлар кўрсатадики, республикада соғлом рақобатнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий базасини қуйидаги йўналишларда такомиллаштириб бориш зарур:

- монополияга қарши тартибга солиш соҳасида прогрессив халқаро тажрибаларни жорий этиш;

- рақобат муҳити шакиллангандан кейин уни ҳимоя қилишга ўтиш;

- бошқарув органлари томонидан рақобатга қарши ҳаракатларни амалаг оширмаслик юзасидан доимий назорат даражасини кучайтириш;

- молия бозорлари субъектларининг рақобатини чеклаши мумкин бўлган турли хил ҳаракатлари устидан назоратни ўрнатиш бўйича қонуний чора-тадбирларни кўриш;

- монополист-корхоналар томонидан белгиланадиган нархларни декларация қилиш усулида уларни кузатиш усулига ўтиш ва бошқалар.

7. Ўзбекистонда самарали рақобат муҳитини яратиш учун қуйидагилар бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тақозо этилади:

а) иқтисодиётда давлат монополизмининг ҳар қандай намоён бўлишини максимал даражада бартараф этиш. Бунинг учун тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизимини такомиллаштириш учун нисбатан қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган чуқур институционал ислохотлар зарур;

б) бозор шароитида вужудга келаётган монополияларнинг бозордаги ўз устунлик мавқеларини суистеъмол қилиш имкониятларининг олдини олиш, давлат муассасалари рақобатнинг ривожланишини таъминлашлари лозим.

8. Ўзбекистоннинг амалдаги монополияга қарши қонунчилигининг асосий камчиликларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қонун меъёрлари кўпинча умумий қоидалардан иборат бўлиб, доимо ҳам тартибга солишнинг муҳим масалаларини тўлиқ қамраб олмаслиги;

- рақобатни таъминлашнинг кўплаб томонлари қонундан ташқари меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши.

9. Ўзбекистондаги монополияга қарши сиёсатнинг ҳуқуқий муҳитини таҳлил қилиш асосида уни такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсияларни илгари суриш мумкин:

- монополияга қарши қонунчиликда қонун меъёрларининг турли тарзда талқин этилиши ҳамда улар ўртасидаги зиддиятнинг олдини олиш, унинг амалий йўналтирилганлиги ва гармонизациясини (яъни, амалга ошириш механизмига эга бўлмаган ёки ноаниқ меъёрларга эга бўлган моддаларни чиқариб ташлаш ёки тўғрилаш) ошириш, шунингдек республика қонунчилигининг бошқа бўлимлари билан мувофиқлигига эришиш мақсадида қайта кўриб чиқиш;

қонунчиликка харидорларнинг устунлик ҳолатини аниқлаш, шунингдек, уни суистеъмол қилиш бўйича жавобгарлик чораларини киритиш;

- рақобат сиёсатининг монополист-корхоналар фаолиятини қатъий тартибга солиш асосий тамойилидан уларни рақобатга қарши ҳатти-ҳаракатлари учун жазолаш тартибига ўтиш тамойилига ўзгартиришга эътиборни қаратиш. Бунда шундай қоидадан келиб чиқиш керакки, фирманинг бозордаги устунлик мавқеининг ўзи қонунчиликнинг бузилиши ҳисобланмайди. Бунинг устига, баъзида бу устунлик фирманинг самарали ишлашидан дарак бериб, унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигининг муҳим шарти ҳисобланади. Фақат устунлик мавқеини суистеъмол қилишгина қонунбузарлик ҳисобланиб, бу ҳам текшириш ва судда ишни кўриб чиқиш орқали исботланган бўлиши лозим;

- монополияга қарши қонунчилик таъсир доирасини молиявий бозорлар соҳаси учун ҳам кенгайтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида./Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992. - 65 б.

6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида. - Т. 1992 йил июнь.

7. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида. - Т., 1996.

8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Товарлар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида. - Т., 1997 йил 7 январ.

9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Табiiй монополиялар тўғрисида. - Т., 1997 йил 24 апрел.

10. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Реклама тўғрисида. - Т., 1998 йил.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 165-сонли «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори, 1997 йил 31 март.

12. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Монополиячи-корхоналар давлат реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби». — Т., 1997 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент и асарлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон. 1995. – 29 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. - 686 б.

3. Каримов И.А. Хафвсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: - Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.

4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон. 2005. – 96 б.

5. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгиланишни изчил давом эттириш – давр талаби. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси. Ҳалқ сўзи, 14 феврал, 2009 й.

6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

III. Ўқув қўлланмалар, монографиялар, илмий мақолалар ва даврий нашрлар

13. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. - Т.: «Меҳнат», 1997, 57-58-б.

14. Абдуқодиров А. Хусусийлаштириш - ислохотлар муҳим бўғини. - Бозор, пул ва кредит, №2, 1999, 22-26-б.

15. Авдашева С, Шаститко А. Промышленная и конкурентная политика: проблемы взаимодействия и уроки для России. - Вопросы экономики, №9, 2003, с.18-32.

16. Азизов К. Совершенствование промышленной политики как фактор повышения конкурентоспособности национальной экономики. - Бозор, пул ва кредит, №1, 2003, с.63-64.

17. Ахмедов Т., Батурина В. Конкурентоспособность продукции промышленного комплекса Узбекистана. - Экономический вестник Узбекистана, №8-9, 2003, с.2-4.

18. Аюпов А. Постприватизационная реструктуризация - подход, проблемы и пути совершенствования. - Экономический вестник Узбекистана, №8-9, 2003, с.41-43.

20. Брагинский С.В., Певзнер Я.А. Политическая экономия: дискуссионные проблемы, пути обновления. - М.: Мьюль, 1991. - 299 с.

21. Ваҳобов А. Иқтисодий эркинлаштириш шароитидаги муҳим омиллар. - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, №5, 2000, 5-9-б.

22. Горькова Т., Шаповалов Г. Стратегия конкурентной борьбы в предпринимательстве. - с.66-73.

23. Давруков Ф. Демонполизация и создание конкурентной среды. - Экономический вестник Узбекистана, №9, 1999, с.20-23.

24. Давруков Ф. Демонполизация и создание конкурентной среды. - Экономический вестник Узбекистана, №9, 1999, с.20-23.

25. Джураева Н. Повышение конкуренции и снижение трансакционных издержек – важнейшие условия развития рынка недвижимости. Экономический вестник Узбекистана, №7, 2003, с.60-61.

26. Жуманов Э.Т. Повышение конкурентоспособности малого и среднего предпринимательства в Узбекистане в условиях либерализации экономики (специальность 08.00.04-микроэкономика). Автореф. на соиск. к.э.н. -Т., 2003.

27. Ибодова Д. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари. - Экономика и класс собственников, №3, 2003, 34-38-б.

IV. Интернет манбалари

28. <http://www.rurdev.usda.gov/rbs/>

29. <http://www.wisc.edu/uwcc/info/dairy/history>

30. www.darvoza.uz.

31. www.microfinance.uz.

32. www.communityempowerment.uz.

33. www.microfinance.uz.

34. www.cer.uz/index.php?land=18&menu=7